

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК: 4/410

Қурбонов Насибулло Хабибулло ўғли

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ДЕИНТЕНСИФИКАЦИЯ
ХОДИСАСИНИНГ СТРУКТУРАЛ ВА СЕМАНТИК ҲУСУСИЯТЛАРИ**
5A120102 – Лингвистика (инглиз тили)

Магистри
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:

ФДУ доценти ф.ф.н, А.И.Зияев

Фарғона – 2017

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Факультет: Чет тиллар

Магистратура талабаси: Н.

Х.Курбонов

Кафедра: Инглиз тили ва адабиёти

Илмий раҳбар: ф.ф.н. доцент А.И.Зияев

Ўқув йили: 2015-2017

Мутахассислиги: лингвистика

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мазкур магистрлик диссертацияси деинтенсификация ҳодисасининг инглиз ва ўзбек тилларидаги семантик ва структурал хусусиятларига бағишланган. Деинтенсификация нутқдаги воқеликка сўзловчининг кучсиз муносабатини яъни нутқдаги маънони кучсизланиш даражаларини ифодалайди. Деинтенсификация ҳодисаси интенсификация яъни маънонинг кучайиши, таъсирчанликнинг ортишини ифодаловчи ҳодиса билан антонимик характерга эга. Деинтенсив ва интенсив воситалар оғзаки нутқда, бадий асарларни ёзишда таъсирчанликни ошириш, чет тилидаги асарлар, фильмлар ва бошқаларни таржимасини мукаммаллаштириш, чет тилларини ўрганиш, халқлар ўртасидаги миллий - маданий ўхшашлик ва фарқликларни англашда кўмаклашади.

Тадқиқот объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги деинтенсив ва интенсив воситалар олинди. Тадқиқот предмети сифатида деинтенсив ва интенсив воситаларнинг қиёсий таҳлили, структурал-семантик жиҳатлари, коммуникатив-прагматик ва лингвокультурологик хусусиятлари ўрганилади.

Тадқиқотимизнинг асосий мақсад ва вазифалари: Деинтенсив ва

интенсив воситаларнинг турларини ўрганиш; инглиз ва ўзбек тилларидаги деинтенсив ва интенсив воситалар ва уларнинг лингвокультурологик хусусиятларини ўхшаш ва фарқли томонларини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти. Инглиз ва ўзбек тилларида деинтенсив ва интенсив воситаларнинг структурал-семантик ва коммуникатив-прагматик хусусиятлари назарий жиҳатидан батафсил қиёслаб таҳлил этилганлигида. Инглиз ва ўзбек тилларидаги деинтенсив ва интенсив воситалар таҳлилий ва тавсифий усулда, қиёсий-чоғиштирма методлар асосида ёритилди. Шу соҳага оид тадқиқотларга таянган ҳолда, деинтенсификация ва интенсификация ҳодисаларини ҳар бир халқда ўзига хос ва мос хусусиятларга эга эканлиги исботланди.

Диссертация натижалари амалиётда, хусусан, ўқув жараёнида, олий ўқув юртларида тахсил олаётган талабалар учун “Умумий тилшунослик” каби фанлардан махсус курслар ўтиш, маъруза матнлари ва услубий кўрсатмалар, мажмуалар тайёрлашда кенг қўлланилиши мумкин.

Тадқиқотдан кутилаётган натижалар келажакда деинтенсификация ва интенсификация ҳодисаларига оид изланишлар олиб боришда ҳам асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

Илмий тадқиқотимиз ишнинг умумий тавсифи, кириш, уч асосий боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Илмий раҳбар:

ФДУ доценти ф.ф.н, А.И.Зияев

Магистрант:

Н. Х. Қурбонов

MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

FERGHANA STATE UNIVERSITY

Faculty: Foreign languages

Post-graduate

student: N.Qurbonov

Department: English language and literature

Scientific supervisor: docent A.Ziyayev

Academic year: 2015-2017

Specialty: linguistics

ANNOTATION OF THE DISSERTATION

Actuality of the theme. This master's dissertation is devoted to semantic and structural features of the category of de-intensification in English and Uzbek languages. De-intensification expresses the downgrading of the meaning or the degree of quality and quantity of the utterance in speech. The category stands on the opposite side of intensification which indicates the upgrading of the degree of quality and quantity or meaning in speech.

The aim of the research. To compare de-intensive and intensive means and analyze semantic and structural features of English and Uzbek languages to create methodological recommendations on gradability of the meaning in linguistics for high schools.

The object of research. As the object of research we have taken problems and peculiarity of semantic and structural features of de-intensification and intensification categories in English and Uzbek languages.

The scientific and practical importance of the research. Semantic and structural or communicative-pragmatic features of de-intensive and intensive

means in English and Uzbek languages were analyzed completely in theoretical way. Practical values of dissertational investigation consist of theoretical generalizations and results can be used in designing of lecturing and seminary lessons in institutes of linguoculturology, linguistics of modern English language.

The expected results. Our research work may serve as the basis of future investigations on de-intensification and intensification categories in English and Uzbek languages and semantic and structural features of de-intensive and intensive means.

The structure of the dissertation – the research work consists of the required structure – and introduction, 3 chapters, a conclusion and the list of used literature.

Supervisor:

Ph.D A.I.Ziyayev

Magister:

N.Kh.Qurbonov

Мундарижа:

| | |
|--|------------|
| Кириш..... | 4 |
| I Боб. Интенсификация ва деинтенсификация категориясининг назарий масаласи | |
| 1.1. Тилшуностликда интенсификация ва деинтенсификация тушунчаси хақида..... | 10 |
| 1.2. Интенсификация ва деинтенсификация категориясининг нутқ фодаланишидаги чегараси ва даражаланишидаги муаммолари..... | 17 |
| I боб бўйича хулосалар..... | 27 |
| II Боб. Интенсификация ва деинтенсификация категориясини тилнинг турли сатҳларида ифодалаш | |
| 2.1. Интенсификация/деинтенсификация ҳодисасини фонетик сатҳда ифодалаш..... | 28 |
| 2.2. Интенсификация/деинтенсификация ҳодисасини морфологик сатҳда ифодалаш..... | 48 |
| 2.3. Интенсификация/деинтенсификация ҳодисасини лексик ва синтактик сатҳда ифодалаш..... | 60 |
| Иккинчи боб бўйича хулосалар..... | 73 |
| III Боб. Интенсификация/деинтенсификация категориясининг лингвокогнитив хусусиятлари | |
| 3.1. Когнитив тилшунослик янги йўналиш сифатида..... | 74 |
| 3.2. Концепт – когнитив тилшуносликнинг асосий тушунчаси сифатида...83 | |
| 3.3. Интенсификация/деинтенсификация категориясини лингвокултурологик хусусиятлари..... | 88 |
| Учунчи боб бўйича хулосалар..... | 95 |
| Хулоса..... | 96 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 100 |

КИРИШ

Мамлакатимизда сўнги йилларда илм-фан ва техника соҳаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада жаҳонда рўй бераётган илм-фандаги турли ютуқлар ҳамда ўзгаришлар билан ҳамнафас бўлиш ва фикр алмашиш муҳим масала касб этади. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. А. Каримовнинг таъбири билан айтганда, “Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун, чет эллик шерикларимиз билан ҳамжихатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини қураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир”¹. Айнан шу боис XXI аср - интеллектуал билимлар асрида таълим соҳасига инвестициялар йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатларгина юксак тараққиётга эришиши мумкин. Фақат том маънодаги билимли жамиятгина замонавий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади. Миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш зарурлигини англаб етган, замонавий билим, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларга эга инсонларгина ривожланиш борасида ўз олдига қўйган стратегик мақсадларга эриша олади.

Жамиятда билимли, маълакали ва юксак интеллектга эга инсонларнинг мавқеини ошириш; таълим ва касб-ҳунар дастурларининг жаҳондаги таълим, илм-фан, техника ва технологиялар, иқтисодиёт ҳамда маданият соҳасидаги замонавий ютуқларга мувофиқлиги, таълимни ёшларнинг келажакдаги амалий меҳнат фаолияти билан узвийлигини таъминлаш, таълим олаётган ўқувчи-ёшлар онгида умуминсоний

¹Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқи. Халқ сўзи. 2013й 7 декабрь, № 240

кадриятлар, юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлаш устуворлигини шакллантириш, таълимнинг миллий тарихимиз, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан муштараклиги, бошқа халқлар тарихи ва маданиятини ҳурмат қилиш таълим тизимини ислоҳ этишнинг асосий принциплари бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларини ўқитишнинг комплекс тизими, яъни камол топган ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга қаратилган тизим яратилди.

Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда, бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида республикамиз биринчи Президенти И.А.Каримовнинг чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2012 йил 10 декабрда 18-75қарори қабул қилинди. Унга кўра республиканинг барча ҳудудида чет тилларни, асосан, 2013 йил сентябрдан бошлаб инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса, алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштириш босқичма-босқич бошланади; олий ўқув юртларида айрим махсус

фанларни, хусусан, техник ва халқаро мутахассисликлар бўйича ўқитиш чет тилларда олиб борилади; умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари ва ўқитувчиларини чет тиллари бўйича дарсликлар ва ўқув услубий комплекслар билан таъминлаш, уларни белгиланган муддатларга риоя этилган ҳолда қайта нашр этиш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармасининг айланма маблағлари ҳисобидан бепул амалга оширилади.² Буларнинг барчаси ёш авлоднинг порлоқ келажаги ва юртимизнинг истиқболи учун олиб борилаётгани барчамизга кундек равшандир.

Ҳорижий тилларга ва ҳозирги давр талаби бўлган компьютер технологияларига бўлган эҳтиёжни назарда тутган ҳолда биз ёшларнинг имкониятлардан фойдаланишимиз зарур эканлигини марҳум юртбошимиз ўз нутқларида ҳам кўп маротаба таъкидлаб ўтганлар. Чунки ҳозирги юксак техника асрида яшаб фаолият олиб бораётган фуқаролар учун компьютер технологияларидан хабардор бўлишни тақозо этмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳозирда юртимизда хорижий тилларни мукамал биладиган малакали мутахассислар тайёрлашга бўлган талаб кундан кунга ўсиб бормоқда. Айниқса, ёш авлодга чет тилларини ўқитишда асосий ўрин эгалловчи ўқитувчи-мутахассисларни тайёрлашда олий ўқув юртлирида малакали кадрларнинг касбий малакаларини ошириш, энг самарали ўқув базалари ва дарсликларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Сабаби, тил ўқитишда, айниқса, қардош бўлмаган тиллар ўртасида ўзаро ўхшашлик ҳамда фарқли томонларини яна ҳам аниқ ва асосли далиллар кўрсатишда вужудга келиши мумкин бўлган эҳтимоли лингвистик муаоммоларни

² И.А.Каримовнинг чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 18-75қарори “Махорат мактаби” 2012й 25 декабрь, 24-(293-сон)

(грамматик, лексик, синтактик, структурал, семантик, коммуникатив) хал этиш лозим. Натижада тадқиқотчи олимлар олдига тилшуносликнинг назарий ва амалий соҳаларида маъсулятли вазифалар қўйилмоқда.

Мавзунинг долзарблиги. Тадқиқотнинг долзарблиги қардош бўлмаган тилларни, жумладан инглиз ва ўзбек тилларини қиёсий тавсифлашдан иборат бўлиб, ҳозирги замон тилшунослигида муҳим ўрин эгаллайди. Бундан ташқари, мавзунинг долзарблиги инглиз ва ўзбек тилларида сўзловчининг бирор бир воқеа-ҳодисага нисбатан ўз фикри ва вербаллашаётган нутқининг таъсирчанлигини, эмоция ва экспрессивлик даражаларини оширишда асосий воситалардан бири ҳисобланадиган интенсификация ва деинтенсификация категориялари ҳақида назарий тушунчалар, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳамда уларнинг тилдаги ўзига хос семантик ва структурал хусусиятларини таҳлил қилиш каби масалалари ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг методологик асоси. Тадқиқотнинг методологик асосини миллий истиқлол мафкуриси ғоялари, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. А. Каримов асарлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг тил, таълим ва фанни ривожлантириш борасидаги кўрсатма ва қарорлари ҳамда хорижий машҳур тилшуносларнинг илмий илмий изланишлари ва лингвистик қарашлари (адабиётлар рўйхатида илова қилинган) ташкил этади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Диссертация мавзусининг олдига қўйилган асосий мақсади инглиз ва ўзбек тилларида интенсификация ва деинтенсификация (сўз маъносини кучайтириш ёки кучсизлантириш) ва уларнинг семантик ва структурал жиҳатидан қиёсланиш шаклидан иборат бўлиб, шу хусусида қуйидаги вазифаларни

бажаришга эътибор қаратилди:

- қардош бўлмаган тилларда интенсификация/деинтенсификация категорияларининг ўрни ва хусусиятларини қиёсий типологик жихатдан ўрганиш;
- инглиз ва ўзбек тиллари тизимида интенсификация ва деинтенсификация категорияларининг ёндош тил ҳодисалари билан муносабатларини таснифлаш;
- интенсификация/деинтенсификация категорияларининг тилнинг турли сатхларида ифодаланишини таҳлил этиш.

Диссертация мавзусининг объекти ва предмети. Инглиз ва ўзбек тилларида интенсификация/деинтенсификация категорияларининг семантик ва структурал жихатдан қиёсланиши тадқиқот объектини ташкил этади. Илмий изланишнинг предметини эса қиёсланаётган тилларда маъно ва фикрнинг даража ва таъсирчанлигини кучайтириш ҳамда кучсизлантириш воситалари ва уларнинг типологик қиёсий тавсифланишини ўз ичига олади.

Тадқиқот методлари. Иш жараёнида асосан, қиёсий-типологик, трансформацион, семаларга бўлиб ўрганиш (компонент таҳлил), оппозицион, дистрибуция, эксперимент методларидан фойдаланилди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Инглиз тилида интенсификация ва деинтенсификация категориялари ва уларнинг назарий таҳлили юзасидан бир неча олимлар илмий изланишлар олиб борганлар: А. Болингер, Белтрама, М. Рян Бокнак, А. Кристин, Е. И. Шейгал, Ув. С. Мауфм, Р. Теренс, М. Уволтерс К. Пуллум (инглиз тили бўйича); Н. В. Ильина, А. Н. Богданова, О. А. Есенина, И. Я. Свинцицкий, А. Ю. Трусова, О. Д. Харченко(рус); ўзбек олимлари А. Зияев(инглиз тили бўйича), О.

Бозоров (ўзбек тили бўйича), Ш. Шоабдурахмонов (ўзбек тили бўйичава) ва бошқа кўплаб олимлар ҳамда уларнинг олиб борган илмий ишлари шулар жумласидандир.

Изланиш учун тил материали. Тилшунос олимларнинг мавзуга оид назариялари, илмий тадқиқот ишлари, илмий ва бадиий адабиётлар, илмий мақолалар, ахборот воситалари ҳамда интернет янгиликларидан олинган интенсификация ва деинтенсификация категорияларига оид маълумотлар хизмат қилади ва улар фойдаланилган адабиётлар рўйхатида илова қилинади.

Изланишнинг илмий янгилиги: мазкур мавзу бир-бири билан кардош бўлмаган тиллар яни инглиз ва ўзбек тилларида қиёсланади, мазкур тилларнинг интенсив ва деинтенсив воситаларининг хусусиятлари ва функциялари очиқ берилди. Уларнинг назарий томонини ёритиш, ҳамда лингвокултурологик жихатидан инглиз ва ўзбек тилларининг ўзига хос интенсив ва деинтенсив маъно даражаланишини назарий тадқиқ этади.

Изланишнинг амалий аҳамияти: изланишнинг натижалари, асосан, инглиз ва ўзбек тилларининг семантика, амалий грамматика ва амалий лексика курсларини ўқитишда, умумий тилшуносликда, чет тилларини ўқитиш методикаси фанларини ўқитиш жараёнида қўлланилиши мумкин.

Изланишнинг тuzилиши. Магистрлик диссертацияси кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I Боб. Интенсификация ва деинтенсификация категориясининг назарий масаласи.

1.1. Тилшуносликда интенсификация ва деинтенсификация тушунчаси хақида.

Маълумки, тил инсон онгининг маҳсули ҳисобланадиган бирор бир фикр ёки тушунчани вербаллантириш яъни воқеалантиришда, бошқа кишиларга етказиб бериш каби жараёнларда энг кулай ва осон, ҳамда ўз ўрнида мураккаб тузилмага эга восита ҳисобланади. Демак, инсон онгида мавжуд тушунчалар атрофида пайдо бўлган маълумотларни бошқа шахсларга етказиш ёки қабул қилиб олиш жараёнида тил ва унинг воситалари жуда катта аҳамиятга эга.

Сўзловчи ўз фикрини ифода этаётганда, унинг фикрини тингловчига жуда ҳам аниқ етказиш ёки фикрнинг тасвир-ифодасини кучайтириш ва таъсирчанлигини ошириш учун тилдаги мавжуд имкониятлардан мохирона фойдаланади. Тилшуносликда бу каби имкониятлар аниқроқ қилиб айтганда бу воситаларга қуйидагилар киради: *баҳолаш(evaluation)*, *урғу(emphasis/stress)*, *кенгайтириш/кучайтириш(intensification)* ёки *кучсизлантириш(deintensification)*, *қилиш* *сўз(parenthesis)*, *инверсия(inversion)*, *модал сўзлар(modalities)*, *шахссиз қурилмалар(impersonal constructions)*, *муболага(hyperbola)*, *изоҳловчилар(descriptions)* в.к.

Ушбу бобнинг йўналтирилган мавзусидан келиб чиққан ҳолда, юқоридаги воситалар орасида кучсизлантириш яни деинтенсификация (deintensification) ҳамда кучайтириш (интенсификация (intensification))

категориялари ва уларнинг воситалари тил семантикаси ва структурасида алоҳида ўрин эгаллайди.

Энг аввало интенсификация/деинтенсификация категориялари ҳақида умумий тушунчага эга бўлиб олиш учун, уларни бир – бирига таққослаш мақсадга мувофиқ.

“Интенсификация (кучайтириш) бу сўзловчилар томонидан ўз фикрларини яна ҳам тушунарлироқ етказиб бериш ва ўз ўрнини мустахкамлаш мақсадида қўлланиладиган умумий воситадир” (Болингер 1972).³ Демак, интенсификация тилда ифодаланилаётган фикрнинг маъно ва моҳиятини ҳамда даражасини кучайтириш ва кенгайтиришда иштирок этади.

Мисол учун биз инглиз тилида:

“This building is high” (бу бино баланд) ёки “this building is *very* high” (бу бино *жуда* баланд); “Tom is suffering” (Том азоб чекапти) ёки “Tom is suffering *strongly*” (Том *кучли* азоб чекапти); шунингдек “this is a mess” (бу бетартиблик) ёки “this is a *pure* mess” (бу *тоза* ифлослик).

Берилган мисолдан кўриниб турганидек, *very* (*жуда*), *strongly* (*кучли*), *pure* (*тоза/асл*) каби воситаларни қўшиш билан, сўзловчи хусусият, ҳаракат ва модданинг маълум аспекти (тасвири) ни мўтадил йўл билан эмас, балки, даражаларини юқорига кўтариш билан ифода этипти, ҳамда ўз навбатида фикрларнинг таъсирчанлигини ортиб бормоқда. Умулаштирадиган бўлсак, интенсификация – вербаллашаётган нутқ таркибида тасвир-ифода, ҳамда миқдор ва хусусиятларни кучайтириш ва даражаларини оширишга ҳизмат қилади.

Шунингдек қуйидаги Италиялик тилшунос ван Ос ва Испаниялик тилшунос Раинер фикрларига кўра: “фикр даражаларида кучайиш ва

³ D. Bolinger – “Degree words” - Paris. 1972 – Моутон. 20-30 бетлар.

кенгайиш каби иккаласи ходиса ҳам интенсификация хисобланади ва тилнинг ушбу категорияси оқўз туркумида ҳам ўзининг хусусиятларини акс эттиради, мисол учун: даража отлар (бази сифатлилик ўлчамига эга отлар (мутлоқлилик - completeness, ғайритабиийлик – abnormality) ва предикатив яъни аниқловчи функциясида пайдо бўлувчи барча отлар”⁴

Ўз навбатида юқоридаги тилшунослар интенсификация категориясини парадигматик таъсирларнинг энг катта миқдорини кўрсатувчи қонунлар сифатида тадқиқ этиб, бу тил ходисасини уч хил воситаларга ажратишади: оддий(хослик) воситаси (*жуда – very*) қайсики, юқори ёки энг юқорилик даражани аниқловчи; мутлоқлилик воситаси (*мутлақо – totally, хақиқаттан ҳам – absolutely*); тахминий восита (деярли мутлоқ – nearly complete, ...дек яхши – as good as).

Раинер: “тилдаги воситалар орасида фикр ва тушунчаларни ифодалаш жараёнида уларнинг даража-сатхини кўрсатувчи вазифани асосан *равишлар, равишдош бирикмалар* ҳамда *интенсив хусусиятга эга айрим сифатлар (даражаланиш хусусиятига хос сифатлар)* бажаради.”⁵

Раинернинг фикрига кўра нутқда юқоридаги воситаларни қўллаш интенсификациянинг даражаси, оғзаки нутқнинг маълум лексик сатхи ва синтактик сатхларини назарда тутувчи ўлчамга боғлиқ.

Шунингдек бу тилшунос интенсификацияни миқдор ёки сифатдаги (белги-хусусият) ўсиш сифатида баҳолайди (*very/extremely-жуда/ўта ҳам*), ҳамда, асосан белги-хусусиятга алоқадор ўсишни аниқлик ёки яққолликдаги ўсишга нисбатан тенг тушунча шаклида кўради (*really/properly-хақиқаттан/мос равишда*).

⁴ Wolfgang, U. Dressler, Lavinia Merlini, Barbaresi – “Morphopragmatics” – Berlin, New York: M. de Gruyter, 1994. 400-430 бетлар.

⁵ Биервисч. (1987), Раинер. “Италиян ва бошқа тилларда интенсификация” (инглиз тилида) (1983 а: 5, 56).

Ван Ос: “Энг аввало, ўсувчи хусусиятдаги иборалар интенсификацияси босқичланиш, тил категорияларини (*сифат асосларидан (Дресслер 1986) қиёсий ва ортирма даражалари*) шакиллантиришнинг синтактик ва баъзан шунингдек инфлексинал (*сўз охирида ўзгариш хосил этиш*) жараёндан ажратилаиши лозим.”⁶

Ван Ос кейинги ўринда интенсификациянинг семантикаси билан боғлиқ масалага эътибор қаратиб, интенсификацияни ўсувчи қаторнинг тартибини ифода этувчи даражалар устига моделлаштиради.

У келтирган қуйдаги мисолида:

“*Jim is very married.*” (*Жим жуда оилали*) – бу мисол ўзбек тилида бироз тушунарсиз туйилиши мумкин, лекин ван Ос нинг фикрича – *Жим* оилали кишиларнинг баъзи оддий белгиларидан юқори даражани кўрсатувчи хусусиятларга эга киши сифатида гавдаланади.

Бундан ташқари Варрен (1984: 99) ва Ван Ос (1987: 36) фикрларига кўра тасвирловчи сифатларнинг кўпи интенсивловчи яъни кучайтирувчи хисобланади, лекин синфловчи ёки аниқловчи сифатларнинг ҳеч бири на белги даражасида ва на миқдор даражасини кучайтиришда иштирок этади. “Алоқадорли сифатларининг ўзларининг позитив қўлланилишига мос шакллари интенсификация категориясидан холи”⁷ – Биервисч ва Раинер.

Юқоридаги тилшунослар интенсификация категорияларини ўрганишда, асосан италян ва инглиз тилларида изланишлар олиб боришган. Уларнинг қиёсий тадқиқоти шуни кўрсатадики, италян тилида кучайтирувчи воситалар сифатида қўлланилувчи қатор турли шаклдаги сўзлар, равишлар, равишдош иборалар ҳамда сўз қўшилмалар ва

⁶ Wolfgang, U. Dressler, Lavinia Merlini, Barbaresi – “Morphopragmatics” – Berlin, New York: M. de Gruyter, 1994. 400-430 бетлар.

⁷ Биервисч. (1987), Раинер. “Италян ва бошқа тилларда интенсификация” (инглиз тилида) (1983 а: 5, 56).

сифатларга бой тил хисобланади.⁸ Мисол учун: *molto* – *much, very* (кўп/жуда); *assai* – *much/very* (кўп/жуда); *bel(lo)* – *nice* (яхши (сифат)); *ben(e)* – *well* (яхши (равиш)); *grand(de)* – *big* (камма); *troppo* – *too, very* (ўта ҳам, жуда); *tutto* – *all* (умуман, ҳамма); *assolute* – *absolutely* (мутлақо) в.к.з. Юқоридаги мисолда берилган сўзларни қўллаш оғзаки нутқнинг синтактик сатхи ва махсус лексик сатхи, қўлланилмоқчи бўлган сўзлар назарда тутаётган ўлчам ва интенсификациянинг даражасига боғлиқ (Раинер).⁹

Шунингдек италян тили қонуниятларига асосан, тилдаги белги-хусусиятларнинг биргаликда иккиланиши ва кўтарилувчи шаклланишнинг қоидаларига прототип (наъмунавий) асос бўлувчи сўзлар сифатлар хисобланади. Шу сабабдан интенсив характерга эга сифатлар маънони кучайишига ўзи омил бўладиган семантикаларга эга категорияларни ифода этади. Сифатнинг айнан бу характери сабаб сифатлар ўз навбатида белги ва даража-миқдорнинг қиёсий ва ортирма даражаларига прототип – асос бўла олади (Дресслер).¹⁰ Отларнинг морфологик интенсификацияси эса прототип хисобланмайди.

Юқорида таъкидланган хусусиятларига кўра интенсификация ўз ўрнида гипербола (муболаға) билан ҳам алоқадор:

У ичаклари узулгудек тез югурди. (he ran fast like his guts would out) – бу истиора (ўхшатиш) шаклидаги муболаға;

У жуда ҳам тез югурди. (he ran extremely fast) – бу интенсив восита билан маъно кучайтириш.

Кўриниб турганидек, қиёсий тадқиққа кўра интенсификация белги ва

⁸ Раинер – “Италян ва бошқа тилларда интенсификация” (инглиз тилида) 1983 а: 10.

⁹ Rainer – “Morphology and meaning” – 1990 а: 12-25

¹⁰ Wolfgang, U. Dressler, Lavinia Merlini, Barbaresi – “Morphopragmatics” – Berlin, New York: M. de Gruyter, 1994. 400-430 бетлар.

миқдорни баҳолашда уларнинг даражаланишини нормал ҳолатдан юқорига кўтаради.

Шу ўринда деинтенсификация категориясини тадқиқ этиш лозим. Аввало “деинтенсификация” сўзига этибор берсак, бу сўзда *де-* префикси инкор маънони англатади, яъни *де-* олд қўшимчаси қўшилган асосдан англашилаётган маъно шу маънонинг тескари яъни тарз маънодаги тушунчани ифодалайди.

Мисол учун: *Милитаризация – де-милитаризация*

Militarization – de-militarization (инг.)

Биринчи сўзда маъно – бирор бир ҳудудга харбийларни жойлаштириш, яъни харбий ҳолат жорий этилиш; иккинчи *де-* префикси қўшилган сўзда маъно – харбийларни кўчириш, олиб чиқиб кетиш ёки бирор ҳудудни харбий ҳолатдан холи деб эълон қилиш деган маъноларни англатади.

Назарий таққосласак, ўз навбатида интенсификациянинг антонимли вазифадоши деинтенсификация нутқдаги ифодаланиётган фикрнинг белги ва миқдорини баҳолашда унинг даражасини нормал ҳолатидан пастга тушуради ёки кичрайтиради. “Интенсификация – юқорига кўтариш (*upgrading*). деинтенсификация – пастга тушириш (*downgrading*). Бирор бир белгининг ассимметрик ўлчамини баҳолашда ижобий ёндашув – (кенгайтириш) интенсификация; салбий ёндашув – (кучсизлантириш) деинтенсификация.” (Кларк).¹¹

Мисол учун:

“I agree with you” (мен сизга қўшиламан)

“I *partially* agree with you” (мен сизга *қисман* қўшиламан)

Юқорида мисол тарзида берилган гаплардан кўриниб турибдики, деинтенсификатив восита орқали (*partially/қисман*) сўзловчи



¹¹ Herbert Clark – “Word association and linguistic theory”. 1970.

тингловчининг фикрига ўз муносабатини салбий даражасида билдирмоқда ва фикрнинг маъно даражаси пастга ўсмоқда.

“I *totally* agree with you” (мен сизга *мутлақо* қўшиламан)

Кейинги берилган гапда эса фикрнинг интенсивлик хусусияти (*totally/мутлақо*) сўзловчи томонидан аниқ берилмоқда ва фикрнинг маъно даражаси юқорига ўсмоқда.

Юқоридаги фикрларга таянган холда, қуйидаги даражаларнинг ўсиш ва пасайиш схемаси тушунчани яна ҳам кенгайтиради.



Кўриниб турибдики, нутқда ифодаланаётган фикрнинг умумий маъноси

сақланган холда, унинг эмоционал ва экспрессив (ифодавий) даражаси ўсиб (кучайиб), ёки тушиб (кучсизланиб) бормоқда.

1.2. Интенсификация ва деинтенсификация категориясининг нутқ ифодаланишидаги чегаралари ва даражаланишидаги муаммолари.

Интенсификация билан деинтенсификация таққосланганда яна шу нарса маълум бўладики, умумий олганда белги-хусусият ва миқдор даражаларининг юқорига ўсиши (кучайиши) чегараланмаган, лекин белги ва миқдор даражаларининг пастга тушиши (кучсизланиши) чегараланган бўлади. (Кларк.)¹²

Бу масалага ойдинлик киритиш учун бошқа сохага эътибор қаратадиган бўлсак. Мисол учун физика қонуниятларига асосан бирор бир жисмдаги энергиянинг кучайиш даражаси белгиланмаган, бироқ унинг энергиясининг пастлаши ёки тушиши эса белгиланган яъни *нол* га тенг. Тилда ҳам ифодаланаётган фикрнинг белги – хусусияти ва миқдорининг даражаланишида юқорига ўсиши ортиб бораверади. Унинг кучсизланиб пастлаши эса, ўша белги – хусусият ва миқдорнинг антоними билан чегараланади.

Мисол учун:

чиройли – оддий даражадаги чирой белгиси;

жуда чиройли – чиройлилик даражаси ортмоқда;

жуда ҳам чиройли – чиройлилик даражаси юқоридагиларга қараганда яна ҳам ортмоқда;

нихоятда чиройли – даржанинг ўсиш жараёни юқорига кўтарилмоқда. Ўзбек тилининг бор имкониятларидан фойдаланган холда

¹² Herbert Clark – “Word association and linguistic theory”. 1970.

бу даражанинг ўсиш (интенсив) хусусиятини давом эттиришимиз мумкин.

чиройлироқ – чиройлилик даражаси оддий даражадан пастга тушяапди;

бироз чиройли – даража тушуши давом этмокда;

сал чиройли – чиройлилик даражасининг кучсизланиш чегарасига етиб келди. Энди “*чиройли*” сифати унинг антоними “*хунук*” сифати билан чегараланади.

Инглиз тилидаги юқорида фарқланган интенсив ва деинтенсив даражаласининг чегараланиш хусусиятига эга сифатларни тилшунос олим Кларк (1970) *қутб сифатлар (polar adjectives)*¹³ деб номлайди.

Силернинг немис тилида инкор аффиксация критериясига кўра, немис тилидаги кўпгина *қутб сифат* лари орасида инкор олд кўшимча бир пайтни ўзида ҳам ижобий баҳолаши (чегараланмаган), ҳам инкор баҳолаши мумкин (чегараланган).¹⁴

Мисол учун:

un-schön /un-beautiful (бехусун) – *un-häßlich/un-ugly* (“бехунук” яъни *чиройли*);

un-gut/un-good (яхши эмас - ёмон) – *un-schlecht/un-bad* (ёмон эмас - яхши)

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, асосан инглиз ва немис тилларида зид маъно берувчи олд кўшимча ижобий маъно берувчи сўзларга кўшилганда деинтенсив даражаланишнинг биринчи босқичини яъни салбий кутбни ифодалайди, шу ўринда бу каби олд кўшимчалар салбий маънога эга сўзларга кўшилганда интенсив хусусиятга эга

¹³ Wolfgang, U. Dressler, Lavinia Merlini, Barbaresi – “Morphopragmatics” – Berlin, New York: M. de Gruyter, 1994. 400-430 бетлар. Herbert Clark – “Word association and linguistic theory”. 1970.

¹⁴ Wolter Ciler – “Language Typology and Language Universals ” – 1991 6:45

даражаланиш кутубини ифодалайди.

Бундай холат сифатлари ва равишларнинг даражаланишида ҳам кўриши мумкин. Маълумки сифат ва равишларнинг даражаланиши ҳам интенсификация ва деинтенсификация категорияларини ифодалайди. Бунда асосан ортирма даражаланиш интенсив ифодани беради. Озайтирма ёки қиёсий даражада кўпроқ деинтенсив ифода ётади. Бироқ, “озайтирма ёки қиёсий даражаланиш бошқа худди шу белги-хусусиятга эге *от* билан таққосланганда белги-хусусиятнинг ижобий ёки салбий ҳарактерига қараб даражаланиш ҳам ижобий кутубда (ўсувчи), ҳам салбий кутубда (тушувчи) бўлиши мумкин” (Кеифер 1978.).¹⁵

Мисол учун:

A is uglier than B - *A B га қараганда хунукроқ;*

C is more beautiful than D - *C D га қараганда гўзалроқ*


Келтирилган мисолда Кеифер *A* ва *B* нинг белги – хусусиятини *хунук* сифтида баҳоламоқда, шу ўринда, *C* ва *D* ларни ҳам *гўзал* эмас деб айтмоқда. Сабаби у юқоридаги фикрига асосан, *гўзал* сифати пастга ўсмоқда ва бу ижобий белгининг кучсизланиши (чегараланган йўналишда / кутубда ётиши) деб баҳоламоқда. Лекин бу тарзда баҳоланиш тўлиқ асосли эмас. Тўғри *A* ва *B* *хунук* сифатини мужассам этган, бироқ иккала объект таққосланган холатда *B* даги *хунуклик* белгисининг даражаланиши *A* да ортмоқда ва бу даражаланиш ҳеч қандай чекланишсиз ўсиши мумкин яъни “*салбий маънодаги интенсив ходиса*” га ўтади. Ўз ўрнида *D* ва *C* ҳам бир бири билан *гўзаллик* хусусияти билан таққосланмоқда. Бу холатда ҳам, интенсив ўсиш кузатилинади. Сабаби, англашилиб турибдики, *D* *гўзал* ва бу *гўзаллик* *C* да яна ортиб бормоқда ва бу хусусият ижобий томонга

¹⁵ Wolfgang, U. Dressler, Lavinia Merlini, Barbaresi – “Morphopragmatics” – Berlin, New York: M. de Gruyter, 1994. 400-430 бетлар.

ўсмоқда яъни, “*ижобий маънодаги интенсив ходиса*”. Юқорида келтириб ўтилган физик қонуниятга ўхшаш ҳолда *гўзаллик* хусусияти ортмоқда, шу ўринда биринчи гапдаги *хунуклик* белгиси ҳам. Икки хусусият ҳам бир бирига нисбатан яқин қутубга эмас, балки ўзларига нисбатан олди томонга ўсмоқда.

Гўзалроқ (С)

А)




А диаграммада икки объект ортасидаги бир бирига хос белги (*гўзаллик*) ўзига нисбатан олдинга ўсмоқла.

Гўзал (Д)

Хунук (Б)

Б диаграммада икки объект ўртасидаги умумий белги (*хунуклик*) ҳам ўзига нисбатан олдинга ўсмоқда.



Б)

Хунукроқ (А)

Кўриниб турибдики, маъновий жихатидан икки белги бир бирига нисбатан антоним ва тингловчига етказиб бераётган ва тингловчининг онгида тассавур хосил этаётган тушунчалари ижобий ва салбий ҳарактерга эга. Хар бири алоҳида ўзига нисбий тушунчага эга белги билан таққосланганда ўз қутубида ижобий (интенсив) ўсади ва бу ҳолат маълумки сифат ва равишларнинг қиёсий таққосланиш жараёнида кўзга ташланади. Лекин, таққосланиш бўлмаганда айнан сифат ва равишнинг қиёсий даражаланишида иштирок этадиган *-роқ* инглиз тилидаги *-er; -r* ҳамда *more* воситалари деинтенсив ҳарактерга эга даражаланишни хосил этади.

- *Кечирасизу, ўртоқ Жалилов! Бизга хаётийроқ мисол келтира оласизми?*

(I'm sorry! Msr Jalilov! Could you give us more real-life examples?)

Бу гапда сўзловчи тингловчининг келтирган мисолидан қониқмаган ҳолатда, келтирилажак мисолни ҳақиқий, ишончли ва хаётий бўлишини эмас, балки келтирилаётган мисолда *хаётийлик* белгисининг маълум бир миқдори бўлишини талаб этмоқда. Бу эса мисолдаги фактларнинг хаётийлик даражасининг табиий ёки асл сатхидан пастга кучсизланишини ифода этмоқда. Умумий қилиб айтганда, “*хаётий бўлмаса ҳам, ҳеч бўлмаганда ҳаётга яқинроқ бўлсин*” деган тушунча ифодаланмоқда.

Кўриниб турибдики, қиёсий даражаланишни ифодаловчи воситалари: инглиз тилида ҳам морфологик (*-er; -r; -ier*), ҳам лексик (*more*); ўзбек тилида асосан морфологик (*-роқ*) сўзловчининг ифодаланаётган тушунча доирасидаги белги-хусусиятни қиёсий таққосланиши ва нисбий келтирилишига кўра интенсив (кучайтириш) ва деинтенсив (кучсизлантириш) ходисаларини хосил этишда тенг

фойдаланилади.

Интенсификация ва деинтенсификация категориялари асосан сифат ва равиш сўз туркумлари воситасида фикрдаги белги-хусусият ва миқдор-даража салмоғининг кучайиш ва кучсизланиш имкониятларини хосил этади.

Кўпчилик сифат ва равишлар юқоридаги семантик хусусиятларга эга (инглиз тилида *high, red, happy, fast* – баланд, қизил, хурсанд, тез), лекин ўсмайдиган (*nongradable*) ёки абсолют сифатлар (*тўртбурчак* – *rectangular, хомиладор-pregnant*) бу каби семантик хусусиятлардан холи. Бироқ абсолют сифатларнинг ўзгармас хусусиятига истисно тариқасида уларнинг баъзиларининг олдида *даража-миқдор* (кучайтирувчи) равишлари кўшилса, абсолют сифатлар ҳам ўзлари ифода этаётган сифат-белгининг даражаланишини (*кучайиш/кучсизланиш*) хосил қилади.

Мисол учун:

Very pregnant “*she is a very pregnant singer*”¹⁶

Бу келтирилган мисолнинг тўғридан тўғри ўзбекча таржимаси бироз тушинарсиз бўлиши мумкин. Бироқ бу гапда ишлатилган *very-жуда* даража равиши ўзининг муҳим маъно кучайтириш вазифасини бажармоқда. Бу гапда таништирилаётган кўшиқчи аёлнинг хомиладорлиги келтириб ўтилябди, ҳамда *very-жуда* даража равиши (*very pregnant means in the late stages of pregnancy*)¹⁷ хомиладорлик даврининг сўнги босқичини ифодаламоқда. Шунингдек немис тилида ҳам шунга ўхшаш маънога эга ибора мавжуд: “*zo zwanger als een konijn*”(as pregnant as a rabbit)¹⁸ “қуёндек хомиладор” – бу ибора ҳам яқин кунларда кўзи ёриш арафасидаги аёлларга нисбатан қўлланилади.

¹⁶ 2013 йил 11 декабрь Лйувенда ўтказилган Germanic Sandwich конференциясидан

¹⁷ <http://en.wiktionary.org/wiki/hochschwanger>.

¹⁸ A.o. via <http://www.scholieren.cov/boek/10616/krijg-nou-tieten>.

Интенсификация ва деинтенсификация категориялари хар доим сўзловчининг хукмини жалб этади. Сўзловчи ўз нутқида бирор бир вазият ва холатга нисбатан хукм (бахо) бериш жараёнида нормал яъни асл холатидан тепага ёки пастга оғиш ҳарактерига эга даражаланишларни кўрсатувчи хусусиятларни хисобга олади. Сўзловчининг маълум бир предметнинг белги-хусусиятига нисбатан бераётган бахоси (хукми) сифатлар ва интенсив/деинтенсив ҳарактерга эга равишларнинг сифат билан биргаликдаги сўз қурилмасига боғлиқ бўлган холда субъектив бўлиши баъзан кўпроқ, баъзан эса субъективлик эҳтимоли камроқ бўлади.¹⁹

Мисол учун:

This building is very tall – бу бино жуда новча(баланд).

Юқоридаги мисол тариқасида келтирилган гапдаги бинонинг белги-хусусиятига нисбатан берилган хукм (бахо) муҳокама учун очиқ, сабаби тингловчи бошқа биноларнинг баландлик жихати билан берилган бахога ўзининг онгидаги қиёсий асосларга таянган холда қўшила олмаслиги мумкин. Бу турдаги гапларда берилаётган бахо объектив ҳарактерга эга. Бироқ қуйидаги мисолда:

These flowers are very beautiful – Бу гуллар жуда чиройли

Чиройли (beautiful) сифати ва бу белги-хусусиятнинг даражасини кучайтиришга ҳизмат қилаётган *жуда (very)* равиши (кучайтирувчи) субъектив хисобланади. Сабаби бу берилган мисолда *жуда чиройли (very beautiful)* бахоси “гўзалликнинг кўзида” (in the eye of beholder) ифодаланилмоқда, яни *чиройли (beautiful)* сифати анъанавий белги маъносининг кучли таъсирига эга ва бу сифатга *жуда (very)* даража равиши қўшилмоқда бунинг натижасида маъно ва таъкидланаётган хусусият (*чиройли*) сезиларлик даражада кучайтирилмоқда. Умумий

¹⁹ Тон ван дер Воуден, Миртенз институти; Ад Фулен, Радбауд университети

таққосласак, *чиройли (beautiful)* сифати *новча-баланд (tall)* сифатига караганда кучли таъсирга эга ва шу жихатидан бу икки турдаги сифатлар ва уларга ўхшаш характерга эга сифатлар ўз даражаларини кучайтириш жараёнида фикрнинг таъсирчанлигига кўра *субъектив* ёки *объектив* бўлиб келади.

Тилшунослар Гутзманн ва Тургейларнинг фикрларига кўра сифатларнинг субъектив интенсификацияси (*expressive intensification / Els*) *ифодавий интенсификация* хисобланади. Объектив даражаланиш эса (*standard degree*) стандарт (*мўтадил*) даража бўлиб, бу икки хил характерга эга белги-хусусиятларнинг даражаланиши маъновий фарқланганда, уларнинг ўзаро бажарадиган функциялари бир хил (кучйитириш /кучсизлантириш) бўлишига қарамасдан, ифодавий интенсификация (*Els/expressive intensification*) нутқ жараёнида гапдаги тасвирловчи таркибининг бирор-бир қисмига боғлиқ бўлмаган сўзловчининг қўшимча ифодавий муносабатини етказиб беришга ҳизмат қилади.²⁰

Тилшунослар Фулен ва Увокслерларнинг хулосаларига кўра интенсив воситалар ифодавий (*expressive*) характерга эга бўлиши ёки бўлмаслигини аниқлаш хар доим ҳам яққол намоён бўлмайди.²¹ Сабаби интенсив воситаларнинг ифодавийлик даражаси даражаланишнинг нисбатан кучсиз сатхидан то кучли сатхигача ўзаро фарқлана олиши мумкин. Инглиз тилида кенг ва кўпроқ қўлланиладиган интенсив даражаловчи равиш (*very*) *жуда* кўп холларда ифодавий/экспрессив характерга эга эмас, шунингдек бу равишнинг немис тилидаги шакли ҳам

²⁰ Гутзманн, Даниел & Тургей, Катерина – “Expressive intensifiers in German: syntaxsemantics mismatches” – 2012. б:150

²¹ Фулен, Ад, Верена Увотрич, Мартин Жвец – “Gruwelijk interessant. Emotieve intensiveeorders” – 2012

Увокслер, Качелле – “*super, uber, so and totally: Over-the-top intensification to mark subjectivity in colloquial discourse*” – 2012 ; б:17-31

(*sehr*) бир хил хусусиятга эга. *Terribly, awfully* каби интенсив воситалар ўртача даражадаги экспрессив (ифодавий) ҳарактерни ўз ичига олади. Бундай ҳолатларда “*terribly*” “*awfully*” каби сўзлар (*дахшатли/расво*) – негатив маънога эга сифатлар билан даражани оширишда қўлланилганда инглиз тилидан “*ўта*”; “*ўта ҳам*”; “*жуда ҳам кўп*”; “*жуда ҳам ёмон*” (*extremely, very much, very badly*) каби таржима қилинади:

- *this situation is terribly bad.*
- *бу вазият ўта ҳам ёмон.*
- *the experiment went terribly wrong.*
- *бу тажриба ўта ҳам нотўғри кетди.*
- *I am awfully sorry about that problem the other day.*
- *тунов кунги муаммодан ўта афсусдаман.*
- *They suffered awfully when their son was killed.*
(Oxford Advanced Learner`s Dictionary of Current English 8th edition)
- *уларнинг ўғли ўлдирилган пайтда, улар жуда ҳам ёмон азоб тортишди.*

Замонавий инглиз тилида янги интенсив воситалар ҳам амалда нутқ хараёнида қўлланилмоқда (Фулен.) масалан: “*cancer*”²² – *саратон* лекин адабий жанрларда шунингдек ўғзаки нутқда ҳам негатив маъноли сўзларнинг ифодавий даражасини ва таъсирчанлигини жуда ҳам бўртириб кўрсатишда қўлланилади. Шунинг учун бу каби сўзлар кучли экспрессив

²² Foolen Ad., Verena Wotrlich, Martine Zwets – “Gruwelijk interessant. Emotieve intensiveerders” – 2012

(ифодавий) ҳарактерга эга.

– *he was a cancer ugly warrior.*

– у “ўта кетган даражадаги” бадбашара жангчи эди.

Увекслер яна шуни кўрсатадики, инглиз тилида “super” – қўшилма сўзи; “so” ва “totally” каби воситалар интенсификациянинг энг юқори чўққиси хисобланади. Сабаби юқоридаги воситалар асосан ижобий таъсирга эга маъноларни ифода этувчи сифатлар олдида бу сифатларнинг эмоционал ва экспрессив даражаларини кучайтиришда фойдаланилади.

– *the fashion models on the cat walk are very hot... I am being so crazy about them!*

– *мода ёлагидagi моделиерлар жуда жозибали... мен уларни деб жуда ҳам ақлдан озьяман.*

– *The spiderman is such a super-hero that he can definitely protect our city from evil-minded gangs!*

– *Ўргимчак-одам шунақанги супер-қахрамонки, у шахримизни ёвуз нийятли безорилардан шубхасиз химоя қила олади.*

Юқоридаги гапда *super* ўзбек тилида ҳам олинма сўз сифтида деярли бир хил қўлланилади. Унинг асл маъноси *тил билан тасвирлаб бўлмас ёки тенги йўқ* деган маъноларни ифода этади.

– *It`s a totally awesome experience!*

– *Бу мутлақо ажойиб воқеа!*

Изланишлар жараёнида интенсификация билан деинтенсификация

ўзаро таққосланганда, шу нарса маълумки, умумий олганда, интенсификация ва деинтенсификация категориялари асосан нутқ жараёнида белги ва хусусият, миқдор ҳамда ҳаракат даражаларининг ўсиш ва тушиши (кучайиш/кучсизланиш) жараёнларида иштирок этади.

Шунингдек интенсификация ва деинтенсификация категориялари сўзловчининг берилаётган фикр ва гап мазмунига ўз муносабатини қай даражада эканлигини ифодалайди.

Мазкур категорияларнинг ўз хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, интенсив ва деинтенсив воситалар асосан *миқдор-даража равишлар, гумон олмошлар, миқдор ва даражаларни кўрсатувчи қўшма сўз ва сўз(предлогли) бирикмалар, сифат ва равиш даражаланиш воситалар ҳамда қўшимчалар, хусусан оғзаки нутқда сўзга урғу бериш ва бўгинларни чўзиб талаффуз қилиши каби фонетик* воситалар билан ифодаланилади.

II Боб. Интенсификация ва деинтенсификация категориясини тилнинг турли сатҳларида ифодалаш;

2.1. Интенсификация/деинтенсификация ходисасини фонетик сатҳда ифодалаш.

Тилнинг барча имкониятларидан келиб чиққан холда хар бир якка шахс ўз нутқи жараёнида онгидаги фикр ва тушунчаларини ифодалашда ва шу ифодалаётган фикр ва мазмунга ўз муносабатини билдиришда турли хил тил воситалари ёки тил сатҳларидан фойдаланади.

Инсоннинг тил орқали фикр ва хис-туйғуларини ифодалаш тилнинг тафаккур билан бевосита боғлиқлигини кўрсатади.

Интенсификация ва деинтенсификация категорияларини ифода этишда тилдаги энг кичик сатҳи яъни *фонетик* воситалар билан ҳам ифода этилади.

Маълумки, тилнинг энг мухим бирликларидан бири бўлган *фонетик* усуллар орқали хар бир сўзловчи ўзининг эмоциясини (*хис-туйғу*) тингловчиларга етказиб бера олади. Фонетика билан боғлиқ бундай жараён ва холатларни тилшуносликнинг сохаларидан бири *фоностилистика* ўрганади ва тахлил қилади. *Фоностилистика* – стилистиканинг сўз ва сўз бирикмалари талаффуз вариантларининг ифодавий (экспрессив) хусусиятларини ўрганувчи бўлим сифатида ўрганилади.²³

Демак, нутқ жараёнида нутқ товушларидаги эмоционаллик, таъсирчанлик, талаффуздаги жарангдорлик, уларнинг бадий қўлланиш қоидалари, эстетик роли фонетик стилистиканинг ўрганиш объектидир.

Сўзловчи ўз ички кечинмаларини тингловчига етказиб беришда бевосита фонетик воситалар орқали ифодалайди. Нутқдаги

²³ Ходжиева А. – “Тилшунослик терминлари луғати” – Тошкент. Ўқитувчи: 1985. –Б. 103

ифодаланаётган фикр ва тушунча доирасидаги белги ва хусусият ва миқдорнинг интенсив ёки деинтенсив даражаланишда фонетик воситалар ва усуллар, яъни сўз таркибидаги ундошлардан бири қаватлантирилади (*геминатсия*); унлилар чўзилади ва урғунинг ўзрни ўзгартирилади, бу каби воситалар ҳисобига экспрессивлик таъминланади. Мисоллар: *Ишқилиб, Замира бечора уятга чидайолмай кетиб қолган. Яшишамагурлар... (Примқул Қодиров.)*; *Акам бечора гўшангада кўриб, хайро-о-о-он бўлиб қолганлар. (Миркарим Осим.)*. бу воситалар асосан урғу доирасида ўрганилади ва шунинг учун ҳам нутқда экспрессивликни кучайтириш ва кучсизлантиришда урғунинг аҳамияти катта.

Урғу орқали сўзловчи биро бир сўзни ёки сўзнинг маълум бир бўғинини алоҳида ажратиб кўрсатишдан ташқари, берилаётган фикрга ўз муносабатини қай даражада эканлигини ифодалашда сўзнинг маъносини интенсивлигини ошириш ёки тушириш (деинтенсив) мақсадида урғудан фойдаланиши мумкин.

Ўзбек тилида урғули бўғиндаги унлини кучли талаффуз қилиш орқали маънони кучайтиришда икки ҳолат мавжуд:

1) Урғули бўғин кучлироқ талаффуз қилинади:

- *Бўстон дахлизидаги лип-лип қилиб турган чироқнинг ёруғида дағъл қўллари эринмай сочиққа артарди.*

(Қиёмат. Чингиз Айтматов, 142)

- *У киши етиб келолмадилар, — деди кимдир орқароқдан жасорат кўрсатиб. — Узоқдалар, ҳу-у Узо-оқ Шарқда.*

(Шоирнинг тўйи. Эркин Аъзам, 6)

- *Сурма қўйгандек оху кўзи, қизил олмадек таранг юзи бор.*

(Меҳробдан чаён. Абдулла Қодирӣ, 74)

- Унинг ёнида калта бақай, йўғон думини тагига босиб, ҳудди тошдан йўналган санамдай бўлиб серка Акбар чайир қўлларини ерга манкам тираганча узала тушган. **(Қиёмат. Чингиз Айтматов, 9)**

- Бу ерни ким обод қилган? Бу оғиир тошларни ким олиб келган? — деди Асқар ота ва ўзига-ўзи жавоб берди. — Қим олиб келарди? Бу ерга мени ким олиб келди? Шундай одамлар ҳам бўладики, туғилганда ҳееч ким севинмаган бўлса ҳам, ўлганда бутун юрт аза тутади.

(Дахшат (хикоялар тўплами). А. Қаххор, 47)

- Ҳолдор равоатга тутайиш қурилган шийпон остида Суперсур машинасини кавлаштираётганини кўриб...

(Олтин юракли автобола. Анвар Обиджон, 21)

Урғу одатий нормаларни рад этган холда бошқа бўғинга кўчирилади ва шу бўғинда унли кучли этилади:

...вазирга муовинми ёки Мафкурахон опамга қарашли шўъбага мудирми? Мудирнинг-ку қўли узуун, лекин муовинлик ҳам чакана эмас, номи зўр, ҳам эркинроқ. Маданий борди-келдилар баҳона, кўй нарсаги бўлиб қолиши мумкин. Ким бўлсам экан-а?

(Шоирнинг тўйи. Эркин Аъзам, 27)

Унга я'нги кўйлак, қишки куртка, бирорта этик ва яна бир адеёл ҳам лозим.

(Чол ва денгиз. Эрнест Хемингвей, 5)

Энди шу дақиқадан бошлаб кишиларнинг аччиқ тазйиқларини ва манга нафрат билан қарашларини бутун вужудим билан хис қила бошладим.

(Сарвиқомат дилбарим. Чингиз Айтматов, 34)

Кўршапалак сейфни инқиллаганча зўйўрга энгаштириб, ичидаги нарсаларни ағдарарди.

(Олтин юракли автобола. Анвар Обиджон, 17)

Урғуни бўғинга кўчириш ва шу бўғиндаги кучли талаффуз орқали маънони кучайтиришда урғу хар қандай сўзда тўғридан тўғри ва ҳоҳлаган бўғинга кўчирилавермайди. Урғунинг айнан бошқа бир бўғинга кўчиши фонетик шароитлар билан боғлиқдир.

Хозирги замон ўзбек тилининг қонуниятлари асосида келтирилган далилларга кўра, кўш ундошли сўзларда урғу шу кўш ундош олдидаги унлига кўчирилади ва шу унлини кучли талаффуз этиш орқали маъно кучайтирилади:

Оппоқ қор, лаллайиб юраверасанми, қаллоплик қилмоқ, жиккаккина бола.

Айрим кўш ундошлардан олдинги сўзларда урғу аслида кўш ундошдан олдинги унлида бўлади ва шу унлини кучли талаффуз этилиши билан маъно кучайтирилади. Демак, бундай ходисани урғуни кучайтириш ва урғу кўчирилган бўғиндаги унлини талаффуз этиш орқали маъно кучайтириш ходисаси билан алмаштирмаслик лозим.

Тўғри сўзи равиш бўлса урғу биринчи бўғинга тушади ва шу бўғиндаги унли кучли талаффуз этилади. *Тўғри* сўзи сифат бўлса урғу унинг охириги бўғинига тушади, бу сўз ифодалаган белгини урғуни олдинги бўғинига кўчириш ва шу бўғиндаги унлини кучли талаффуз этиш билан таъсирчанлик ортади.

Мисол учун:

– *Агар сизни тўғри тушунган бўлсам, Жобирбекнинг сирли зойиб бўлиши билан мана шу ихтиро ўртасида боғлиқлик бор, демоқчисиз?*

(Қора кузғун. Фозил Тиловат, 12)

Ушбу берилган мисолда *тўғри* сўзи равиш ва бу сўзда урғу биринчи бўғинга тушади. Бу сўз ўзи ифодалаётган маънонинг оддий семантикасини

акс этмоқўда.

- «Асл гуноҳ бизнинг катталаримизда, буларни ҳалигача тўғри йўлга бошламаганлар», дейдилар.

(Хинд сайёҳининг қиссаси. Абдурауф Фитрат, 30)

Юқорида берилган гапда эса, *тўғри* сўзи сифат ва урғу, айтиб ўтилганиек, сўзнинг иккинчи бўғинига тушмоқда. Шунингдек бу гапда ҳам *тўғри* сўзи оддий даражадаги маънони сақлаб тирибди.

- *Хатосини кўрсатиб, тўғри йўлга солиш ўрнига. Эртага бу кадрни ўстиришга тўғри келса, ўртоқлар сизу биздан бошқа нарсани сўрайдилар.*

(Хали хаёт бор... Аҳмад Аъзам, 31)

Учунчи берилган гапда эса, *тўғри* сўзи урғу ўзгариш ходисаси асосида маънони кучайтиришга хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам бу *тўғри* (сифат) сўзининг биринчи бўғинига урғу тушмоқда.

Урғунинг ўрнини ўзгартиришга турли лисоний ходисалар таъсир кўрсатади. Бундай ходисалардан бири *геминация* ходисасидир. *Геминация* икки айнан бир хил ундошли холатнинг юзага келиши.²⁴ Бир хил ундошларнинг қаватланиши пайтида урғу кўш ундош олдидаги унлига кўчади ва шу унли ва унинг ортидаги кўш ундош кучли талаффуз қилинади.

Мисол учун:

-*Бир вақт лаллайганча сузиб кеп қолди.*

(Олтин юракли автобола. Анвар Обиджон, 67)

- *Энг яхшиси – шу ўзимизнинг Оҳангаронники. Ҳам арзон. Печкагинага тўртта ташлаб қўйиб, кун бўйи мáзза қилиб ўтирасиз. Лекин ҳаво юрадиган жойини ёпманг.*

(Хали хаёт бор... Аҳмад Аъзам, 28)

²⁴ Ҳоджиев А. – “Тилшунослик терминлари луғати” – Тошкент. Ўқитувчи: 1985. –Б. 28.

Маълумки ҳозирги замон ўзбек тилидаги қўш ундошли (*қаттиқ, аччиқ*) сўзларининг кўплари тарихан қўш ундошли бўлмаган: *қатиг, ачиг*. Ўзбек тили фактларнинг кўрсатишича маълум сўзлардаги қўш ундошлар маънони кучайтириш талаби билан юзага келади.

Белги билдирувчи айрим сўзларда фонетик усул билан маънони кучайтиришнинг юқоридаги икки йўлини кўришимиз мумкин. Бундай сўзлар орқали предмет ёки ҳаракат белгиси давомлик, узунлик (вақт ёки масофага нисбатан) ёки бошқа жихатидан ҳам ҳарактерланиши мумкин: *кенг далалар / ке-енг далалар; жим ўтир / жи-им ўтир; бир қарасам, осмонда бир бургут баланд парвоз қилянди / бир қарасам, осмонда бир бургут бала-анд парвоз қилянди*. Бу берилган мисоллардан англаган ҳолда гапда ифодаланаётган маънони кучайтириш мумкинлигини (маънонинг кучайиш сабаби) сезиш ва исботлаш қийин эмас. шунинг учун ҳам, нутқ жараёнида сўзловчи томонидан бирор бир сўз ва унинг таркибидаги бўғинларни кучли талаффуз қилиш ва урғу бериши интенсификация ходисасини юзага келтирувчи воситалардан бири ҳисобланади.

Юқорида келтириб ўтилган фонетик воситалардан ташқари (урғу ва урғунинг ўрнини ўзгартириш, ҳамда геминация) асосан ўзбек тилидаги сифат ва равиш сўз туркумларида яна бир фонетик воситалар бўлиб, нутқда англашилинаётган маънони айнан предмет ва иш-ҳаракатнинг белги ва хусусиятини кучайтиришда қўлланилади. Бу воситалар ҳақида Й. Турсунов, Ж. Муҳторов, Ш. Рахматуллаевларнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” китобида керакли маълумотлар берилган. Хусусан бу китобда сифат ва равиш сўз туркумларининг даража категориялари уч турга бўлинган: 1) *оддий даража*; 2) *қиёсий даража*; 3) *орттирма даража*.

“Сифат ва равиш билдирган белгининг даражаси хар хил бўлиши мумкин, яъни белги нормал (оддий даражада) бўлиши, оддий даражадан ортиқ (кучли) ёки оз (кучсиз) бўлиши мумкин. Даража категорияси белгининг ана шу даража нуқтаи назаридан келиб чиққан характеристикасини кўрсатади. Сифат ва равиш сўз туркумларининг даража нуқтаи назаридан бўлган фарқи турли воситалар ёрдамида ифодаланади.”²⁵

Юқоридаги муаллифларнинг фикрига кўра, даражаланиш нуқтаи назаридан ифодаланаётган маънони кучайтиришда қўлланувчи яъни оддий даражадан ортиқлигини ифодаловчи воситалар орасида фонетик усул алоҳида характерга эга. Бу усулнинг ўзи юқорида таъкидланганидек бир неча турларга бўлинади (урғу ва геминация), шунингдек Й. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Рахматуллаевларнинг “Хозирги ўзбек адабий тили” китобида берилган маълумотларга кўра, фонетик усулнинг қуйидагича турлари ҳам мавжуд: 1) сифатнинг бош бўғини ёки бош қисмини олиб сифат олдидан қўллаш билан белгининг ортиқлиги ифодаланади: *яп-япалоқ, дум-думалоқ* каби. Бунда бош бўғин охирида **п, м**, каби товушлар орттириб талаффуз этилиши ёки умуман ўзакдаги бир товуш **п, м**, билан ўзгартирилиб талаффуз этилиши, хатто **па** элементи орттириб талаффуз этилиши мумкин: *сап-сарик, қип-қизил, ям-яшил, кўм-кўк, оппоқ, сонпа-соғ, тўппа-тўғри, кап-катта, кип-кичкина, чип-чиройли, топ-тоза* каби. Белги даражанинг бу усул билан кучайтирилиши санокли сўзларда учрайди, масалан, *мехрибон, мулойим, шўх, гўзал, расо* каби сўзларини билдираётган белгининг ортиқлигини бу усул билан белгилаб бўлмайди.²⁶ Кўриниб турибдики, бу китобда сўзларнинг бош боғинида фонетик

²⁵ Й. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Рахматуллаева – “Хозирги ўзбек адабий тили” – Т. 2008

²⁶ Й. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Рахматуллаева – “Хозирги ўзбек адабий тили” – Т. 2008
151-228 бетлар

ўзгаришлар содир бўлмокда, айнан сўзнинг бош бўғининг охирига **n** ва **m** товушларини орттириб ва баъзида **na** элементини қўшиб талаффуз қилиниш билан интенсивлик ортиши мумкин, бироқ, айрим сўзларда хатто **b** ва **m** товушлари ҳам орттириб талаффуз этилиши мумкин: *баб-баробар, биб-биноидек, бут-бутун*. Бу китобда фонетик усулнинг бошқап тури юқорида таъкидлаб ўтилгандек қуйидагича: 2) белгининг ортиқ (кучли) даражасини унлини кучли ёки чўзиб талаффуз этиш, шунингдек ундошни қаватлаб талаффуз этиш йўли билан ҳам ифодаланади: *у-у-узун кўча*, каби. Унлини кучли талаффуз этилганда ёки ундошни қаватлантирилганда (*юмшоқ, юппқа, теккис.*), ўрғу олдингш бўғинга кўчирилиши мумкин: *но-ордон, чиро-ойли* каби. *Қип-қизил, сап-сарик, юм-юмалоқ* каби сўзларда ҳам бош қисмидаги унли кучли талаффуз этилади.²⁷

Масалан:

- *Зиёратчилар тўқайдан чиққанда, кунни бўйи осмонни қоплаб ётган кул ранг булут кунботиши томонидан ёрилиб, ботиб бораётган қуёшнинг шуласи дарёни қип-қизартиб юборди.*

(Дахшат (Хикоялар тўплами). Абдулла Қаххор, 47)

- *Одам ишонгиси келмайди. Кечагина билла униб-ўсган дўстинг, жўранг бугун келиб шундай ка-атта шоир бўлиб, донг таратиб турса! Қанийди, бу кунларни унинг ўзи ҳам кўрса эди!*

(Шоирнинг тўйи. Эркин Аъзам, 17)

- *Бу шаҳар Бухоронинг йирик вилоятларидан биридир. Дарвоқе, номига ҳам муносиб — кўм-кўк. Кенг ва фаровон далаларга эга.*

(Хинд сайёхининг қиссаси. Абдурауф Фитрат, 33)

- *Ётоқхонадан эркак билан аёлнинг баб-баробар ҳарсиллаши*

²⁷ Й. Турсунов, Ж. Муҳторов, Ш. Рахматуллаева – “Хозирги ўзбек адабий тили” – Т. 2008 151-228 бетлар

эшитилиб турарди. У қия очилиб қолган эшикни оҳиста суриб каттароқ очди-да, камерани ичкарига тўзрилади.

(Қора қузғун. Фозил Тиловат, 66)

– Қайнатангиз сонна-соғлар. Анализлар шуни кўрсатаяпти. Аммо у кишининг юрагида зардоб йиғилган. Бу кучли бир ҳаяжон билан қўздан йиғи бўлиб потраб чиқиб кетса ажаб эмас. Эҳтимол, соғинчдандир!..

(Қора қузғун. Фозил Тиловат, 23)

- Жувон бошини бир томонга кийшайтириб жилмайди; қоп-қора ва ингичка қошлари билинар-билинемас чимирилди-да, эркалаб-ўпкалаб турган лаби қимирлаб, майин товуш эшитилди.

(Дахшат (Хикоялар тўплами). Абдулла Қаххор, 47)

- Фотимаҳоним Хусайин учун икки дона пешбанд қилиш ва уни мактабга доим топ-тоза қиёфада юбориш истагини Одилбекка билдирди. Ўртоқлари орасида хижолат бўлмасин, уялмасин, дерди.

(Ўгай она (роман). Ахмад Лутфий Қозончи, 31)

- Йў-йў-йўқ! Сен берадиган нафақага зорэмас. Болани кетгани ҳам келган эмас! Она!... **(Асарлар 5/2 жилд. Абдулла Қаххор, 168)**

- Қишлоқ чекинмоқда – қулайди гужум,
Дагал панжасидан судраб кетарлар.
Теп-текис кўчалар боўлайди хужум
Бостириб келмоқда “Эркатой” шаҳар.

(Бухоронинг етти юлдузи

(шеърый тўплам). Исроил Субхоний, 9)

Эрта пишар эди қўқон гилоси,
Юрагимдек қоп-қора қон гилоси.
Аллақачон бўлган талон гилоси...

Тугунчагин тугиб қўйган таййор қиз,

Ёлгон йиғлаб, эрга борар айёр қиз.

(Айёр қиз. (Сизни куйлайман шеърий тўплам). Иқбол Мирзо, 6)

- Тушга яқин Мавлон ака ўз аравасига ортилган шоли қоплари устида ёнбошла-а-аб хаёлга тўлиб ётар. Султон от устида хиргойи қилиб борарди.

(Асарлар тўплами4/2 жилди. Хамид Гулом, 84)

- Бу – Иссиқ кўл. У ерда сув билан осмон бир-бирига туташиб турарди. Ундан нарида ҳеч нима йўқ. Кўл ҳаракатсиз, шуъладор, кимсасиз. Фақат қирғоққа урилаётган тўлқинларнинг оппоқ кўпигини аранг илғаб олиш мумкин.

(Оқ кема. Чингиз Айтматов, 11)

- Бирон соатдан сўнг телефон қилсам-чи? Ростдан ҳам, Роберт, галлати бўлиб кетаянман. Хотиржам бўлганимда сени безовта қилмаган бўлур эдим ҳам, лекин ўзим нафсонияти кучли одам бўлганим учунми (мен шундай одамман, худодан яширмаганни бандадан яширмайман) ўша аудиторияда ўзимга ўзим кучли ишоншим ҳечам кифоя қилмайди.

(Охир замон нишонлари (роман). Чингиз Айтматов, 35)

Юқоридаги берилган фикр-мулохалар ва мисоллардан кўриниб турибдики фонетик воситалар маънонинг интенсив даражасини ифода этишда, сўзловчининг нутқдаги ифодавий тушунчага ўзининг кучли муносабатини билдиришда фаол ҳизмат қилади.

Нутқда ифодаланаётган маънонинг кучсизлик даражасини ва сўзловчининг айнан шу маного бўлган пассив муносабатини ифодалашда фонетик воситалар интенсификация жараёнидагидек фаол иштирок этмайди.

Й. Турсунов, Ж. Муҳторов, Ш. Рахматуллаевларнинг “Хозирги ўзбек адабий тили” китобида озайтирма даражанинг ясашида фонетик воситалар ҳақида тўхталмаган. Китобда ёзилишича асосан сифат ва равиш сўз туркумланининг озайтирма даражаси *морфологик усул, лексик усуллар* билан ифодаланади.²⁸

Бирок, юқоридаги интенсификация ходисасини нутқ жараёнида хосил этишда қўлланилган фонетик воситалар асосан: урғу ва бўғин таркибидаги унлини нормал ҳолатдан чўзиқ талаффуз этиш кабилар деинтенсификация жараёнида деинтенсивликни ифодаловчи лексик воситаларга нисбатан қўлланилади ва деинтенсивлик даражасини яна ҳам таъсирли ифодалашда ёрдам беради.

Мисол учун:

- *Овчилар хийла илгарилаб кетди. Жувон тизгинни саал бўшатган эди, шунга маҳтал бўлиб турган той бирданига кўтариб кетди.*

(Хотинлар (Хикоялар тўплами). Абдулла Қаххор, 39)

Мисол тариқасида берилган юқоридаги жумланинг таркибидаги даражани ифодаловчи *хийла, сал* сўзларининг вазифаси гапда ифодаланаётган *илгарилаб кетмоқ* ва *бўшатмоқ* иш-ҳаракатларининг олдида келиб улар ифодалаётган маънога сўзловчининг пассив муносабатини ифодалашдан иборат. Шунингдек, бу даража-миқдор сўзларнинг бўғинлари фонетик ходисага учраб, яъни *хийла, саал* ҳолатида деинтенсив маънони яна ҳам тушурмоқда.

- *У бирооз ўзига келиш учун ҳовлига чикди. Ҳовлида ҳеч ким йўқ, ҳувуллаб ётарди. Ўти ўчиб қолган ўчоқ ёнида ичкиликнинг зўридан ўлар ҳолатда ётган Мўмин бобога кўзи тушиди.* **(Оқ кема. Чингиз Айтматов, 71)**

²⁸ Й. Турсунов, Ж. Муҳторов, Ш. Рахматуллаева – “Хозирги ўзбек адабий тили” – Т. 2008 151-228 бетлар

Бу мисолимизда ҳам *бироз* сўзи фонетик ўзгариш, яъни иккинчи бўғиндаги унлини чўзиқ талаффуз этиш билан (*би~~ро~~оз*) маънонинг экспрессивлик даражасини кучсизланишини сезиларли даражада туширмоқда.

- *Хусайин бу йил мактабга бориши керак. Отаси уни қўолидан тутиб, қайд эттириб келгани олиб борди. Хусайин мактаб очилишини яқинлашаётгани сари кучлироқ хаяжонланарди.*

(Ўгай она (роман). Ахмад Лутфий, 31)

Юқоридаги мисолда эса деинтенсивлик ходисасини ифодалашда қўлланилган морфологик восита –*роқ* кўшимчаси ўзи кўшилиб келган сўз таркибидаги бўғинларга нисбатан кучлироқ охангда талаффуз килинмоқда. Бу эса деинтенсив жараёнини яна ҳам таъсирчанлигини оширмоқда.

Маълумки нутқдаги англашилинаётган маънонинг экспрессивлик таъсирини кучайтиришда интенсив восита сифатида фонетик воситалардан фойдаланилади. Асосан, сўз таркибидаги бирор бир бўғинни бошқа бўғинларга нисбатан кучлироқ талаффуз этиш, ёки ўша бўғин таркибидаги унлини чўзиб талаффуз қилиш каби усуллар қўлланилади. Бироқ, нутқдаги ифодаланилаётган маънони деинтенсив баҳолашда лексик, морфологик ва синтактик усуллардан ташқари қуйидаги фонетик восита билан ҳам ифодалаш мумкин. Бу фонетик ходиса гап таркибидаги асосий маънони ифодалаётган сўзни, айниқса ўзбек тилида сўзнинг охириги боғинини талаффуз этишда интонацияни паст охангда тушириш орқали вужудга келиши мумкин.

Мисол учун:

А: Гапимга тушунтингизми?

Б: Тушундим...

А: Ростини айт! Бу олган кўйлагим ярашибдими?

Б: ммм...! Ярашибди...

Бу каби фонетик ходисалар орқали деинтенсив маъно даражаланишида, айниқса сўзловчининг юз ва оғиз мимикаси муҳум аҳамиятга эга. Нутқ жараёнида сўзловчи ўзи билдираётган фикрга ўзининг муносабатини қай даражада эканлигини юз кўриниши, мимикаси ва охангнинг кучайиб, пастлашиши ошқор қилади. Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, биринчи диалогда сўзловчи тингловчининг берган саволига мувоффиқ, у сўралган вазиятни тушуниш даражаси тўлиқ эмас (Тушундим...), яъни қисман тушунишни ифода этади. Иккинчи диалогда ҳам сўзловчи суҳбатдошининг саволига бераётган жавобида кўйлакнинг мос келиши унинг фикрича яққол эмас (Ярашибди...).

Инглиз тилида ҳам берилаётган фикр ва объектив борлиқдаги бирор бир воқеа-ходисага сўзловчининг муносабатини ифодалашда турли воситалар қатори фонетик воситалар муҳум аҳамият касб этади. Юқорида ўзбук тилидаги ўзига хос фонетик воситалар ёрдамида маънониг интензив ва деинтензив даражаланишини кўриб чиқдик. Инглиз тилида ҳам нутқдан англашилинаётган фикрга интензив ёки деинтензив ёндашишда асосан фонетик воситалардан урғунинг ўрни катта. Урғу ўз ўрнида нутқдаги маърога таъсир этиб, ундаги экспрессивликни кучайтиради, яъни интенсификация ходисасини хосил қилади. Бунда ифодали (экспрессив) просодия одатдаги тизимлаштирилган морфемалардан тубдан фарқ қилади. Ифодали (экспрессив) урғунинг биринчи галдаги вазифаси бу таққослашдир, яъни нутқда ифодаланилаётган предметни эхтимолий бошқа предмет билан таққослайди.

Мисол учун:

- *Nowadays, Jim is saving some money. Because he is going to purchase the **l**atest gadget of e-book reader.*

(Жим шу кунларда бироз пул жамгарянди. Сабаби у енг сўнги электрон китоб ўқиш гаджетини сотиб олмоқчи).

Кўриниб турибдики, сўзловчи энг сўнги русумдаги электрон мосламани сотиб олиш истагида пул жамғармоқда.

*I replied that he would **m**uch oblige me, if he thought he could do it **s**afely.*

(мен шундай жавоб қилдики, агар у буни хавф**сиз** бажара оламан деб ўйлаганда эди, у менга **кўп** илтифот кўрсатар эди.)

((David Copperfield. Charles Dickens, 25)

- *“Certainly”, the guard replied; “but passengers know that they **h**ave to find transport from **h**ere to Allahabad”*

(“**Шубхасиз**” кўриқчи жавоб қилди; “лекин, йўловчилар **бу** ердан Оллохободга транспорт топиш **к**ераклигини билишади.)

(Around the World in Eighty days. Jules Verne, 53)

- *She took the stage for her **b**ig moment.²⁹*

(У қиз ўзининг энг мухум лахзалари учун сахнага сиқди.)

(Oxford Advanced Learner’s Dictionary (8th edition), 135)

Фонетик жихатдан қиёсий экспрессив урғу алоҳида артикуляцион куч билан хосил қилинади ва асосан гапнинг охириги қисмларидаги юқори даражадаги урғуга эга сўзларда кузатиладиган гап интонацияси билан боғлиқ холда пайдо бўлади. Бундан ташқари сўроқ оханги гапдаги қиёсий урғуга эга сўзда ифодаланиши мумкин. Нормал сўроқ гапларда аслида оханг охириги сўзда бўлади:

²⁹ Oxford Advanced Learner’s Dictionary (8 нашр) – *big* – мухум, жиддий (норасмий, отлардан олдин келади) – Оксфорд университет пресс. 2010. 6:135

- *Could you bring me a pen?* (менга ручка олиб келоласизми?)

Лекин экспрессив урғуга эга *red* сўзи қўлланганда:

- *could you bring me a red pen?*

(менга қизил ручка олиб келоласизми?)

Демак, қиёсий экспрессив урғу нафақат сўздаги артикуляцион ўзгаришга, балки гап охангига ҳам сезиларли таъсир қилади. Қиёсий ифодали (экспрессив) урғу нормал нутқда хар доим ҳам ифодалаш қийин бўлган ғазабланиш, қарши маъно, аччиқланиш, шубхаланиш ва иккиланиш каби фарқларни нутқ темпини урғули сўзда ёки охангда пасайтириш орқали ифодалайди.

Урғунинг яна бир тури бу риторик аксентема деб аталади. Урғунинг бу тури унлининг квантитатив (миқдорий) хусусияти билан белгиланади.

Масалан:

- *He lives in a large room.* (У кўп хонада яшайди)

Одатда, гаплар таркибида *large* сўзи алоҳида зарб билан аоратилмайди. Албатта, қиёсий урғу каби бу восита ҳам маъно даражаланишининг манбаи бўлиб, чўзиқликнинг оширилиши ва интенсивликнинг кўтарилиши, хайратланиш, ажабланиш ва турли билинар-билинемас ва ноодатий мавхумликларни ифодалайди.

Мисоллар:

- *Tom went swimming with the other boys. On his way back, while he was passing the house where Jeff Thatcher lived, he saw a new girl in the garden. She was beautiful, with blue eyes and her yellow hair in two long plaits. Tom immediately fell in love.*

(Том қолган болалар чўмилишига борди. Қайтиши йўлида, Жефф Тетчер яшаган уйдан ўтаётиб боғда янги қизни кўриб қолди. У қиз малла

сочи иккита узун икки кокилли ва мовий кўзли гўзал қиз еди. Том дархол у қизни севиб қолди.)

(The Adventures of Tom Sawyer. Марк Twain, 9)

- “*You are slow*”, said Phileas Fogg.
- “*Pardon me, sir, but that’s impossible!*”
- “*You are four minutes slow. Very well, then, from this moment, eleven twenty-nine a.m., Wednesday, October the second, 1872, you are in my service*”

(Around the World in Eighty days. Jules Verne, 12)

- (- “Сиз сустгиз”, Филиз Фогг деди.
- “Мени кечирасиз, жаноб, лекин бу мумкин эмас!”
- “Сиз тўрт дақиқага кечикдиз. Жуда яхши, демак, сиз шу ондан, 1872 йил, 2 октябрь, чоршанба куни, кундузи 11 дан 29 минут ўтганда менинг хизматимдасиз.”)

Юқорида келтирилган мисолларни грамматик нормалар асосида ифодалаб бўлмайди. Экспрессив урғулар ҳеч қандай артикуляцион зарб воситаси билан чегараланмайди. Масалан унлининг микдорий кўрсаткичи риторик урғуда одатдагидан уч ёки тўрт баробар чўзикроқ бўлади.³⁰ Шунга қарамай фақатгина чўзиқлилик мустақил ҳусусият эмас.

- *These are **tasty** apples.*
- *A: What’s your teacher like?*
- *B: She’s **fantastic!***
- *A: What’s Joe’s house like?*
- *B: It’s **enormous!***
- *This cheese smells **bad!***
- *The washing-machine sounds **terrible!***

³⁰ Станлей С. – On the Stress System of English.// WORD. Volume2. Mexico city. 1946. 2 сон – Б: 171-174.

**(Elementary language practice. Michael Vince & Kevin
McNicholas. MACMILLAN press, 164)**

Баъзан экспрессив урғу ва мантикий урғу бир ходиса сифатида қаралади. Бироқ, аслида эса бу икки ходиса бир биридан фарқ қилади. Сабаби мантикий урғу орқали ҳам гапдаги алоҳида бир гап бўлаги ажратиб айтилади, лекин бу жараёнда сўзнинг маъно томони таъкидланади. Экспрессив урғу эса маънога қўшимча равишда сўзловчининг хис-хаяжони, воқеликка бўлган субъектив муносабатини (аччиқланиш, маъқуллаш, хайратланиш, ажабланиш, киноя, иккиланиш, шубҳаланиш ва бошқалар) ифодалайди.

- *“Gentlemen!” said Mr Micawber, after the first salutations, “You are friends in need, and friends indeed.”*

- *“Oh, you are in low spirits, Mr Micawber,” said Traddles.*

- *“I am, sir,” interposed Mr Micawber.*

((David Copperfield. Charles Dickens, 92)

- *Mike laughed. He said, “it wasn’t a genuine emergency. I distorted the truth to test your abilities. Look at! What a great job you did getting the boat home safely! I knew you could do it!”*

**(Jane’s pride. (4000 Essential English
Words) Паул Нейшн, 120)**

Лексик урғунинг яна бир вазифаси бу инглиз тилида шеърий ритмни (Иамбик ритмни) ҳосил қилишдир. Инглиз тили шеърияти ритмик қолипга асосланади. Бу каби қолиплар деярли барча сўзларда мавжуд. Шеъриятда урғу сўзнинг бирор бўғинини ритмнинг бир қисми сифатида

алоҳида ажратиб айтишдир.³¹ Шунингдек *иамбик* ритм стилистик восита бўлиб бу урғусиз бўғиннинг урғули бўғин билан қопланишидир.

Shook down on me,

The dust of snow

From a hemlock tree

(Роберт Фрост)

Юқоридаги ҳолатларда фонетик воситалар, асосан экспрессив урғу ва сўздаги унлининг кучлироқ ёки чўзиқ талаффуз этилиши инглиз тилида ҳам ўзбек тилидагидек интенсификация даражаланишни ҳосил этмоқда.

- *This little girl needs a biig/**big** apple. That's why she is denying small one.*

- *Унинг оёқлари узун, бўйнининг пати тўкилиб қип-қизил гўшт бўлиб қолган, ўзи ниҳоятда ориқ эди. Меҳмон даров қўлини артди, фотоаппаратини бўйнидан олди, жўжаҳўрозга жуда яқин бориб чўккалади: жўжаҳўроз бошини кўтариб ҳайрон бўлиб турганда бир неча марта суратга олди.*

(Думли одамлар (Хикоялар тўплами) Абдулла ахбор, 31)

Лекин ўзбек тилида асосан сифатлар олдида биринчи бўғиннинг такрорланиб келиши ва унга *n, m, t, s, b* (*кан-катта, кўм-кўк, бут-бутун/бус-бутун, баб-баробар*) каби товуш қўшилиши билан экспрессив маънони кучайтириш яъни интенсификация ходисасини ҳосил этиш усули инглиз тилида учрамайди. Инглиз тилида асосан маъно кучайиши ҳосил этилинаётган сўзнинг бўғинлари ва бўғин таркибидаги унли товуш чўзиқ талаффуз этилиб урғу олади (*glaad, excelent, easy*) ёки баъзи бир даражаланиш ҳарактерга эга сўзларда сўзнинг бошидаги ундош

³¹ Дауда М. Адабий стилистика (Literary stylistics). National Open University of Nigeria. 2013. –Б. 70.

нисбатан кучли талаффуз этилади ҳамда геминация, яъни сўздаги бирор бир ундош товуш иккилантирилади (*vvery, sssimple*).

Инглиз тилида деинтенсив даражаланишнинг фонетик усулда ифодаланиши ўзбек тилидаги каби асосан сўзлар олдида қўлланиладиган деинтенсив ҳарактерга эга лексик воситаларда кўзга ташланади. Сабаби умумий олганда нутқ жараёнида бирор бир сўзни ва унинг таркибидаги бирор бир товуш ёки бўғинни нисбатан кучлироқ талаффуз этиш, урғу бериш ёки урғунинг нормал позициясини ўзгартириш ҳамда ундошларни иккилантириш, шунингдек унлиларни чўзиб талаффуз этиш каби фонетик усуллар ўша сўз ёки гапда ифодаланилаётган маънони объектив борлиқдаги мўтадил (нормал) даражасини кучайтиради (интенсив даражалайди). Натижада даражанинг ўсиш суръати юқорига ҳаракатланади. Айнан фонетик воситаларнинг юқоридаги ҳарактеридан келиб чиқиб жараёнида маънони кучайтирувчи хусусияти), инглиз тилида фонетик воситалар деинтенсификация жараёнини ҳосил қилишда лексик воситалар билан уйғунлашади. Агар бу жараёнга яна ҳам аниқлик киритадиган бўлсак, фонетик воситалар орқали деинтенсив ҳарактерга эга лексик воситалар нутқ жараёнида ўзларининг даражаловчи хусусиятлари кучайтирилади (интенсивлашади) ва бир пайтнинг ўзида нутқдаги маънонинг кучсизланиш даражаси ортади. Умумий қилиб айтганда юқоридаги ҳолатда интенсив ҳарактердаги деинтенсив даражаланиш ходисаси амалга оширилади.

Мисол учун:

- *Outside is sliiiightly cold! You'd better not go out this evening.*
- *What happened to them remains somewhat of a mystery.*

(Oxford Advanced Learner's Dictionary (8th edition), 1471)

- *It was Passpartout who was daring enough to carry her through the crowd and away to safety, quickly followed by his friends.*

(Around the World in Eighty days. Jules Verne, 67)

- *Should you see John, can you give him a massage?*

(First certificate language practice.

Michael Vince & Paul Emmerson, 38)

Шунингдек инглиз тилида ҳам ўзбек тилидаги каби интонацияни тушириш ва юз мимикалари орқали деинтенсив даражани кўрсатиш мумкин:

- *What do you think? Did I do right thing by ignoring Henry when he offered me a favour?*

- *Aah! I think... you' rrrre right...*

(Around the World in Eighty days. Jules Verne, 89)

Бу вазиятда сўзловчи тингловчининг саволига ўз фикрини баён қилишда интонациянинг ўйноқлиги ҳамда “*Aah! I think... you' rrrre right...*” бу гапда ўйланиш ва иккиланиш *to be* феълени чўзилиши билан ҳамда орадаги тўхталишлар билан ҳарактерланмоқда, шунингдек сўзловчи юзининг мимикаларини вазиятни баҳолашга мос равишда ҳаракатлантириши билан деинтенсив маънони ифодаламоқда. Унинг фикрича тинловчи қисман ҳақ ва бу фикр юқорида айтилаганидек, лексик, синтактик ёки морфологик воситалар билан эмас, балки фонетик восита, яъни интонация ва юз мимикалари билан ифодаланмоқда.

Аввал ҳам таъкидлаб ўтганимиздек ҳеч қандай бир лисоний ходиса ўз – ўзидан пайдо бўлмайди. Объектив борлиқни баҳолашда фонетик воситаларнинг аҳамияти катта ва бу воситалар орқали сўзловчи ўз фикрини аниқ баён эта олиши мумкин. Гuvoхи бўлганимиздек, фонетик воситалар айниқса, урғунинг ҳар иккала тилларда ҳам сўздаги, ҳамда бир

вақтнинг ўзида гапдаги маънога ва интонацияга таъсири кучлидир. Урғули бўғинлар гапдаги алоҳида бўғинни ва алоҳида аҳамиятга эга бўлган сўзни ажратиб ва маъносини гоҳ кучайтириб, гоҳ кучсизлантириб кўрсата олади.

Демак, билдирилаётган фикрга сўзловчининг ўз муносабатини ифодалашда ҳамда нутқда ифодаланилаётган фикр ва объектив борлиқдаги воқеа ходисаларга ўзининг онгли баҳосини ифодалашда фонетик воситалар шунингдек фонетик воситаларга уйғун равишда юз мимикалари ва имо – ишоралар сўзловчи назарда тутаётган икспрессив ифода ва мантиқни акс эттиришда муҳим аҳамият касб этади.

2.2. Интенсификация/деинтенсификация ходисасини морфологик сатҳда ифодалаш

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек объектив борлиқдаги бирор бир белги ва хусусият, воқеа – ходисани сўзловчи томонидан индивидуал баҳолашда хосил бўладиган интенсиф ёки деинтенсиф характерга эга маънонинг даражаланишини ифодалашда турли воситалар орасида фонетик усул ўзига ҳос хусусиятларни ўз ичига олади. Шунингдек нутқ жараёнидаги бу эмоционал ва икспрессив баҳолашнинг даражаланишида турли воситалар қатори морфологик воситалар ҳам фаол иштирок этади. Бироқ, Й. Турсунов, Ж. Муҳторов, Ш. Рахматуллаевларнинг “Хозирги ўзбек адабий тили” китобида, шунингдек дотс. Мусаев А. нинг “Ўзбек тили стилистикаси” маърузалар матнида ва бошқа китобларда айтилишича ўзбек тилида белги ва хусусиятнинг ортиқлик (интенсиф) даражасини ифодалашда морфологик воситалар учрамайди.

“Ортирма даражада белгининг нормал ҳолатдан ортиқлиги,

кучлилиги ифодаланади. Ўзбек тилида белгининг ортиқ даражасини билдирувчи махсус аффикс (ортирма даражанинг морфологик кўрсатгичи) йўқ.”³²

Лекин биринчи бобда таъкидлаб ўтилганидек ўзбек тилида сифат ва равишларга қиёсий ва озайтирма даража хосил қилишда қўлланиладиган *-роқ* суффикси, инглиз тилида эса бир бўғинли, шунингдек *-er, -ly, -y, -w* билан тугайдиган икки бўғинли сифат ва равишларга қиёсий даража ясовчи *-er, -ier, -r* (узб. *-роқ*) суффикслари қачонки икки объект ўртасида таққосланишни ифодалашга қаратилганда интенсив маъно хосил қилиши мумкин.:

- *The red bag is bigger than the blue one.*

- *Қизил сумка кўк сумкага қараганда каттароқ.*

Мисолда кўриниб турибдики кўк сумка (*the blue one*) катта хажмда. Унинг катталиги инкор этилмаяпти. Бундан ташқари қизил сумка (*the red bag*) нинг катталик хажми эса таққосланаётган объектнинг катталик даражасидан ортиқ (*каттароқ - bigger*). Айнан шунинг учун ҳам иккала тиллардаги бу қўшимча қачонки таққослаш ёки бир хил белгига эга икки ва ундан ортиқ объектларни ўзаро фарқлашда қўлланилганда даражанинг кенгайишига қараб интенсив экспрессивликни ифода этади.

Лекин дотс. Мусаев А. нинг фикрича: “ *-роқ* аффикси баъзан бошқа воситалар ёрдамида, улар билан birlikда предмет белгисининг нисбатан ортиқлигин ҳам кўрсатади:

- *Салим Каримга қараганда каттаро;*

- *Салима Каримага нисбатан чиройлироқ;*

- *Москва Самарқанддан кўра каттароқ.*

³² Й. Турсунов, Ж. Муҳторов, Ш. Рахматуллаева – “Хозирги ўзбек адабий тили” – Т. 2008 151-228 бетлар

Бу мисолларга эътибор беринг. Белгининг ортиқлиги *–роқ* морфемасисиз ҳам сезилади:

- *Салим Каримдан катта;*
- *Салима Каримага нисбатан чиройли;*
- *Москва Самарқанддан кўра катта*

Бу ўринда катта ва кичик, чиройли ва ҳунук оппозитсияси бемалол сезилади. Бу маънонинг англашишига кўра, нисбатан, қараганда каби кўмакчилар ёрдам беради. Аммо ана шу катталик, чиройлилик белгиси чоғиштирилувчи предмет белгисидан жуда катта фарқ қилиб кетмайди. Бу ҳолатни ифодалашда *–роқ* морфемаси ўзининг тўғри функциясини – камликни кўрсатиш функциясини бажараверади.

Маънони кучайтириш учун *–роқ* морфемасини олган сўзлардан олдин яна, янада, тагин, яна ҳам каби сўзлар келтирилади. Белгининг ортиқлигини кўрсатиш учун хизмат қилувчи бундай конструкциялар кўпроқ оғзаки сўзлашув нутқи учун ҳарактерлидир”³³

Юқоридаги фикр бир томондан тўғри, лекин *–роқ* кўшимчаси Мусаев нинг берган мисоларига яна ҳам яқинроқ эътибор берсак:

- *Салим Каримга қараганда каттароқ;*
- *Салим Каримдан катта;*

Унинг фикрича *–роқ* суффикси олиб ташланса барибир *катталиқ* икки қиёсланаётган шахслар ўртасида фарқланмоқда. Бироқ, иккинчи гапда Карим *кичик* антоними билан ифодаланиш эхтимоли кўпроқ. Бу ҳолатда *катталиқ* белгисида ҳеч қандай юқорига кучайиш сезилмайди:

- *Салим Каримдан катта, сабаби Карим кичкина.*

Энди *–роқ* морфемасини кўшсак, гаптаги маъно сезиларлиқ фарқланади.

³³ Дотс. Мусаев А. – Ўзбек тили стилистикаси фанидан маърузалар матни. Жиззах. 2014-2015. –Б 185.

- *Салим Каримдан каттароқ. Сабаби карим ҳам катта, лекин Салим ундан каттароқ.*

Кўриниб турибдики, *Карим* да *катталиқ* сифати тўлиқ мужассам. Бироқ унга қиёсланаётган *Салим* да эса бу сифат яъни *катталиқ* белгиси ортиқ, кенгаймоқда. Интенсификация қонуниятларига мувофиқ, агарда бирорта предмет ёки вазият ва ҳолатда, шунингдек шахслардаги белги ва хусусиятларнинг нормал даражасидан юқорига ўсиш, айниқса уларнинг маъноларида кучайиш мавжуд бўлса бу даражаланиш интенсив ҳарактерга эга ҳисобланади.

Шунингдек ўзбек тилидаги кўплик шакл ясовчи *–лар* аффикси асосан тана аъзоларига қўшилиб келганда маъно кучайтириш учун ҳам хизмат қилади. Асосан *–лар* қўшимчаси қўшилиб келган гапларда ўша тана аъзоси билан боғлиқ кассаликлар, толиқиш ёки жиддий ҳолатларни акс эттиради.

Мисол учун:

-Кўп гапирмагин! Бошларим оғриб кетди...

-Ортингдан югуриб тилларим осилиб қолди.

- уфф! Бўлди-е! Сенга бир нарсани тушунтириб оғзиларим толиб кетди...!

Юқорида таъкидланганидек, инглиз тилида ҳам қиёсий даража ҳосил этишда қўлланиладиган *–ier, –er, –r* қўшимчалари баъзи инглиз тилидаги сифатларнинг даражаланишда шакли ўзгарувчи турларидаги қиёсий даража шакллари (*good – better; bad – worse; much/many/a lot – more; little – less; far – farther/further*) айнан ўзбек тилидаги *–роқ* қўшимчаси бажарадиган функцияларни бажаради.

- *What was life like when I was a boy?*

- *I think it was better than life now.*

(Round up 6 – grammar book, 59)

қуйидаги мисолга этибор берсангиз:

- *Life is getting harder and harder.*

(Round up 6 – grammar book, 61)

(Хаёт қийиндан қийинлашиб бормоқда/қийинлашиб кетмоқда.)

бу мисолда қиёсий даража сифати *harder* такрорий равишда *and* боғловчиси билан биргаликда интенсив даражаланишни ифода этишда қўлланилмоқда. Бу хол инглиз тили грамматикасида *қўш қиёслаш* деб аталадиб гапдаги ифодаланаётган вазият ва холатни ўзгариш суръатини давом этиш ва кучайиб боришини акс эттиришда қўлланилади.

Шунингдек инглиз тилида сифат ва равишларнинг ортирма даражаларини хосил этишда бир бўғинли ва *-er, -ly, -y, -w товушлари билан тугайдиган* икки бўғинли сифат ва равишларга *-est, -iest* қўшимчаси қўшилади. Шунингдек, худди қиёсий даражадаги шакли ўзгарадиган баъзи ўзгарувчан сўзлар ортирма даражада ҳам ўз шаклларини ўзгартиради (*good – better – best; bad – worse – worst; much/many/a lot – more – most; little – less – least; far – further/farther – furthest/farthest*). Бу холатда бу қўшимчаларни олган сифат ва равишлар ўзлари ифода этаётган белги-хусусият ва холатнинг даражаларини ортиқлигини (интенсив ўсишини) ифода этади. Бу каъби сўзлар ўзбек тилига таржима қилинганда ўзбек тилининг ортирма даража хосил этувчи морфемалари бўлмаганлиги сабабли, ортиқлик даражасини ифода этиш фазифасини бажарадиган даража миқдор равишларидан *энг* сўзи ўша сифат ва равишнинг олдида келади.

Мисол учун:

- *He is the tallest student in his class.*

(У бола синфидаги энг новча ўқурчи.)

- *The longest river in the world is the Nile.*

(Дунёдаги энг узун дарё Нилдир)

- *I looked at the creature and felt sad. I am a doctor, so I know a lot about accidents and ill people. I see horrible, ugly things every day. But this creature, this thing, was the **worst** of all. There were no men or women in the hospital like him.*

(**The Elephant Man. Tim Vicary, 4**)

(Мен бу маҳлуқотга қарадим ва кўнглим бузулди. Мен шифокорман, шунинг учун кўп бахтсиз ходисалар ва касал одамлар ҳақида биламан. Хар куни қўрқинчли, хунук нарсаларни кўраман. Лекин бу мавжудод, бу нарса ҳаммасидан энг йомони еди. Касалхонада унга ўхшаш хеч қадайдир еркаклар ёки аёллар йўқ эди.)

Бундан ташқари инглиз тилида *over-, super-, uber/über-*(немис тилидан олинган) каби олд қўшимчалар мавжуд бўлиб, белги ва хусусиятнинг нормал даражасидан юқори даражада эканлигини ифодалайди. Бу префикслар сифат, от, равиш сўз туркумларига қўшилиб жуда, ўта, нихоятда каби маъноларни ифодалайди.

Мисол учун:

1) одамдагидан кўп, жуда кўп маъносига: *Overproduction, overload, over-optimistic, overconfident.*

2) мутлақо, нихоятда маъносига: *overjoyed, over-bored, over-glad.*

3) Ошиқча, қўшимча маъносига: *overwork, overtime*

*He was **overjoyed** at my success. (У менинг мувоффақиятимдан нихоятда хурсанд эди.)*

(Oxford Advanced Learner's Dictionary of Current English 8th edition)

4) *super* – жуда, нихоятда, одатдагидан анча яхши: *super-rich, superglue, superman, super-hero, supersonic.*

*This enterprise manufactures **superfine** cloths.*

(Бу компания ўта юқори сифатли матолар ишлаб чиқаради.)

5) *uber/ über* – (норасмий услубда) немис тилидан олинган бўлиб, *от ва сифат сўз туркумларига қўшилиб келади ва маънога энг яхши, энг катта туридан ёки жуда катта даражада каби интенсив икпрессив беради:*

*His girlfriend was a real **uber-babe**, with long blonde hair and a big smile.*

(Унинг ёқтирган қизи узун малла сочли ва катта табассумли, хақиқатта энг аъло қиз эди.)

Шунингдек инглиз тилида интенсив маънони ифодалаш учун сифатлар охирига –*ass, –as* саффикси қўлланади: “*a sweet-ass ride*”³⁴

Fred: Did you hear that song with that kick-ass guiter solo?

Jeft: Man, that was a stupid-ass song.

*John: That was a cool-ass guitar though.*³⁵

Демак, интенсив маъно даражалашда морфодогик воситалар иккала тилда ҳам ўзбек ва инглиз тилларида кўпчиликни ташкил этмайди.

Лекин даражанинг кучсизланиши яъни деинтенсив ҳарактерга эга даражаланишда асосан ўзбек тилида морфемалар етарлича. Инглиз тилида эса бу каби қўшимчалар санокли, сабаби инглиз тили бу тилдаги гап курилиши ва грамматик, лексик маъно бериш хусуиятига кўра сўзга

³⁴ www.urbandictionary.com

³⁵ www.urbandictionary.com

қўшимча кам қўшиладиган тиллардан бири ҳисобланади. Қўшимчалар юклайдиган янгича қўшимча маънолар лексик воситалар ёки предлоғлар билан ифодаланади.

Маъно даражаланишининг кичрайиши ўзбекилида қуйидаги морфемик воситалар билан ифодаланади: *-роқ* юқорида муҳокама қилгаимиздек, бу қўшимча қиёслаш жараёнидан холи бўлган вазиятларда ўзининг асл функцияси яъни озайтириш ва кучсизлантириш функциясини ифодалайди:

- Кўмирнинг қораси бир пасда тарқалади-я. Тушганига қанча, бўлса, бирон соат бўлгандир-да, шамол ё енгилроқ шабада ҳам йўқ, гарди ўтган-қайтганнинг эгнига илашадими ё оёғидаги қалишининг тишига кириб қоладими, маҳалланинг у бошигача борибди.

(Хали Хаёт бор... (Қисса). Аҳмад Аъзам, 1)

“*-роқ* морфемаси ўзи қўшилиб келган сўз орқали ифодаланган предмет белгисининг оддий даража холига етмаганлигини кўрсатиши билан шунга яқин маъно аниқловчи *-иш, (-ғиш) -мтир, -имтир, (-имтил)* каби морфемалар билан синонимик муносабатда бўла олади.”³⁶

Ўзаро қиёсласак бу морфемалар ифодалаётган маъно бир ҳил даражадаги маънони акс эттиради:

қорароқ // қорамтир; қизилроқ // қизғиш; сариқроқ // сарғиш

Улар ўртасидаги мавжуд фарқ шуки, *-иш, (-ғиш) -мтир, -имтир, (-имтил)* бу суффикслар асосан ранг-тусларни ифодаловчи сифатларга нисбатан қўлланади, *-роқ* нинг қўлланиш доираси юқоридаги морфемаларникидан кенг ҳисобланади: *каттароқ, чарчаганроқ, безовтароқ, касалроқ, совуқроқ*. Шуниндек *-роқ* аввал таъкидланганидек, бирор бир предмет белгисини

³⁶ Дотс. Мусаев А. – Ўзбек тили стилистикаси фанидан маърузалар матни. Жиззах. 2014-2015. –Б 184.

бошқа предметларнинг белгиларига қиёсан кўрсатади, *-иш, (-ғиш) -мтир, -имтир, (-имтил)* қўшимчалари бўлса биргина предмет белгисини кучсизлигини, камлигини англатади.

“Бу морфемаларнинг ўзи ҳам ўзаро синонимик муносабаттадир.

Мисол учун:

- *Сойнинг нариюғида, узоқда кўкимтир (кўкиш)баланд тоғлар осмоннинг яримини тўсиб турибди. (А. Серафимович)*³⁷

Шуниндек ўзбек тилида белгининг оддий даражасига етмаганликни, кучсизликни ифодалашда қўлланиладиган *-гина, -кина, -қина* суффикслари мавжуд.

“Ўзбек тилида сифат маъносини кучсизлантиришда *гина, кина, қина* аффикслари фаол қўлланилади. Бу аффикслар маънони кичрайтириш, кучсизлантириш учун ишлатилиб, бу қўшимчаларни олган бўғин урғу олади. Масалан: *яхшигина, юмшоққина, кичиккина, оппоққина.*

Ушбу аффикслар сифат маъносини кичрайтириш ҳамда кучсизлантиришга ҳизмат қилиб, рус тилидаги *-енький* қўшимчасига мос келади. Масалан: *яхшигина – “хорошенький”, (яхши - хороший); юмшоққина – “мягенький” (юмшоқ - мягкий); кичиккина – “малюсенький” (кичик - маленький).* – *Навоий... пастгина, кўримсизгина уйга кирди... (Ойбек).* Рус тилида: *Навоий вошел в низенький, невзрачный дом...*³⁸

Демак ўзбек тилида белги ва хусусиятнинг оддий даражага етмаган, кучсиз ва озайтирма маъно даражаланишини ифода этишда *-роқ, -гина, -кина, -қина, -(и)мтир, -имтил, -иш, -ғиш* каби аффикслар фаол қўлланилади.

³⁷ Дотс. Мусаев А. – Ўзбек тили стилистикаси фанидан маърузалар матни. Жиззах. 2014-2015. –Б 185.

³⁸ Ф.Ф. доц. А. Зияев - ўзбек, рус, инглиз тилларидаги сифат сўз туркумида интенсификация ва деинтенсификация ходисасининг намоён бўлиши. – (Мақола) ФарДУ илмий хабарлар журнал. УДК:4/414 – 2017 й. –Б. 66

Мисоллар:

- *Пишқираётган шамол ҳар хуруж қилганида Унсинни тентиратар, талай жойга суриб ташлар эди. Унсин паранжи-чимматини юмалоқлаб қўлига олганидан кейин йўл юриши **осонроқ** бўлди.*

(Даҳшат. Абдулла Қаххор, 3)

- *Сиз биласиз, бизнинг богнинг тевараги қуюқ дарахтлик майдонлар билан ўралган. Катта кўчага **тезроқ** чиқиб олиш учун мен майдонлардан юрдим.*

(Жинлар базми. Абдулла Қодирий, 2)

- *Саёҳатимиз тафсилотини баён қилишдан олдин Бухоро ва бухороликлар ҳақида ўзимда пайдо бўлган қисқагина фикримни билдириб, ҳурматли ўқувчиларни мухтасар бўлса-да, уларнинг аҳволидан хабардор этишни зарур деб биламан. Бухоро аҳолисининг жами уч тоифадир: уламо, умаро ва фуқаро... **(Хинд сайёҳининг қиссаси. Абдурауф Фитрат, 3)***

Сокин кечаларда мижжа қоқмасдан,

Майлига, ўтайин умрбод бедор.

Ўзинг ўғлим, десанг, бас, она-Ватан,

Сенга садоқатдан ортиқроқ не бор!

(Бедор ўтайин (шеър). Абдуқаххор Гаффорий)

Ўшанда шамолни севарди оғоч,

Булутлар яшарди гамли, ўксиниб.

Тутундан қорайиб кетган қалдирғоч,

Сувларга урарди қизғиш, кўксини...

(Ўшанда (шеър). Иқбол Мирзо)

-*Табиатан камгап бу одам, катта ўгли Қодирбекнинг фожеали*

ўлимидан кейин тамоман узлатга чекинган, ўзининг **кичкинагина** ҳовлисида охиратини кутиб яшаб келарди.

(Қора қузғун (қисса). Фозил Гиловат, 17)

Шунингдек ўзбек тилида –*дир* аффикси ўзининг кесимлик хосил қилиш функциясидан ташқари, бирор бир фикр ва воқеликка *гумон* ва *шубҳамаъноларини* юклашда ҳам қўлланади. –*дир* қўшичасининг бу гумонлиликни ифодаловчи вазифаси воқеликни кучсиз баҳолашни акс эттиради.

Қиёсланг:

- Тезроқ юр! Акмал акамлар келиб, бизни кутиб ўтиришибди.

Бу мисол тариқасида берилган гапда сўзловчи томонидан ифодаланаётган фикр, яъни *кутиб ўтиришибди* ҳаракати тўлиқ нормада.

-Тезроқ юр! Акмал акамлар келиб, бизни кутиб ўтиришгандир.

Иккинчи мисолда эса сўзловчи катта эхтимол билан воқеликка кучсиз муносабат билдирмоқда: *кутиб ўтиришгандир* бу бирикма акс этаётган иш- ҳаракат нисбатан биринчисига қараганда кучсиз охангда турибди.

Тўғри фелларга –*дир* суффиксини қўшиш билан белги – хусусиятнинг даражаланишидек ўсиш ва пасайиш яққол ифодаланмайди, лекин сўзловчининг иш-ҳаракат акс этаётган воқеликка муносабати кучсиз ифодаланади. Айнан шунинг учун ҳам бу ходиса деинтенсификация ходисасининг феълларда акс этилишини кўрсатади.

— *«Кайфини суриб юргандир-да. Сен бу ёқда мана шу боғдай қовжираб ётибсан...»* —*«Бўлди-бўдди! Анови ялмоғиз кепқолади ҳозир!»*

(Сув ёқалаб (киноқисса) Эркин Аъзам, 11)

Инглиз тилида ҳам қиёсий даражанинг морфемаси –*er, -ier, -r* ва шакли ўзгарувчи сифат ва равишлар (*better, more, worse, further*)

предметларни бир бирига таққосланишида иштирок этишдан ташқари белги ва хусусиятнинг нормал даражага етмаганлигини ва бу белги – хусусият ифодалаётган тушунчага сўзловчининг муносабатини кучсиз эканлигини ифодалаёди.

- *I need **more** money.*
- *I think his task is **easier**.*
- *Look! Your T-shirt looks **smaller** on you.*

Шуниндек инглиз тилида белги ва хусусиятнинг нормал даражага етмаган, кучсиз даражасини ифодалашда қиёсий даражанинг аффикси–*er*, *-ier*, *-r* нинг озайтирма маъносига синонимик тенг бўлган *-ish* қўшимчаси асосан оғзаки нутқда фаол қўлланилади.

“Инглиз тилида ҳам сифат ифодалаган рангни кучсизлантириш мумкин. Бунинг учун морфологик ва синтактик усулдан фойдаланилади. Морфологик усулда кучсизлантирилиши керак бўлган сифатга *-ish* суффикси қўшилади.”³⁹

green – greenish, red – reddish, small – smallish, fool – foolish.

*- The salt of Wieliczka is well known for its purity and solidity, but has generally a grey or **blackish** colour.*

*- But Parris achieved a celebrity as broadcaster and journalist that had eluded him in politics, and Smith and Portillo belong to a different set of big or **biggish** Westminster beasts who have tried to invest one experience of public recognition to buy another.*

*- Hadn't she been supportive of Brandon when he made his **foolish** move of dropping out of college?⁴⁰*

³⁹ Ф.Ф. дотс. А. Зияев - ўзбек, рус, инглиз тилларидаги сифат сўз туркумида интенсификация ва деинтенсификация ходисасининг намоён бўлиши. – (Мақола) ФарДУ илмий хабарлар журнал. УДК:4/414 – 2017 й. –Б. 66

⁴⁰ Internet source – sentence.yourdictionary.com

Кўриниб турибдики инглиз ва ўзбек тилида сўзловчи бирор бир фикр, белги – хусусият, ҳаракат – ҳолатларга нисбатан ўзнинг кучли ва кучсиз муносабатини ифодалашда морфологик воситалардан ўз нутқида кенг фойдаланади. Бу эса тингловчига сўзловчининг нутқи қаратилган воқеликка нисбатан баҳосини қай даражада эканлигини англашишга ёрдам беради.

2.3. Интенсификация/деинтенсификация ҳодисасини лексик ва синтактик сатҳда ифодалаш.

Интенсификация ва деинтенсификация категориялари асосан инглиз ва ўзбек тилларида кўп ҳолларда лексик воситалар билан ифодаланади. Ўзбек тилида интенсив даражаланишни ифодаловчи лексик воситалар асосан даражаси кучайтирилаётган сифат ва равиш ҳамда ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи сўзлар олдида келади.

Ўзбек тилида қуйидаги лексик воситалар интенсив маъно кучайишини ифода этади:

1) маҳсус кучайтирувчи сўзлар орқали – *жуда (жуда ҳам), энг, зоят/зоятда, базоят/базоятда, ҳақиқатда, ниҳоятда, бир, бирам, нақ, зап (хўп), роса, даҳшат, анча, ўта, (ўта ҳам), кўп, мўл, ростдан (ростдан ҳам) гирт* каби сўзлар, шунингдек асосан ранг – туслар билан қўлланилувчи *тим, тўқ* сўзлари, *қандай* сўроқ олмоши (*Қандай гўзал бу олам!*) нутқда англашилинаятган маънони нормал ҳолатдан юқори даражада эканлигини акс эттиришга ҳисса қўшади.

Мисоллар:

- *Шунда мен яна унинг қандадир баджаҳл маъбуднинг ҳайкалига жуда*

ўхшаб кетишини ҳис қилдим.

(Маймун етаклаган одам. (Хикоялар тўплами) Назар Эшонқул, 7)

- “*Жуда яхши, жуда яхши, жуда истеъдодли одам, етук олим, яқинда ёқлайдилар*”, дедим, **базоят** хурсанд бўлди.

(Соясини йўқотган одам. Ахмад аъзам, 335)

- *Бугун индамасанг, эртага бошимга чиқади. Нимаси бола бунинг? Кўрмайсанми, хар нарсага ақли етади. – деб Хусайинга шундай бир газабли қараш қилганмишки...*

(Ўгай она (роман). Ахмад Лутфий, 13)

- *Рўпарадаги қирғоқ жарлик ва ўрмонзор эди. Нақ тоғлар тепасидаги қорларгача чўзилиб кетувчи ноёб Сан-Тош ўрмонзори мана шу ердан бошланарди.*

(Оқ кема. Чингиз Айтматов, 12)

- *Йўлакдан тушган нур ёруғида кўкси очилиб, қора халати остидан ич кийими оқариб кўриниб турган, тим қора сочларини елкалари узра паришон ёйганча ухлаб ётган хотини шу дам кўзларига баайни қалдирғочга ўхшаб кўриниб кетди.*

(Сув ёқалаб. Эркин Аъзам, 16)

2) бўлишсиз маънодаги сўзлар билан: беҳад, бениҳоя, чексиз, шубҳасиз, беқиёс, мислсиз, беҳисоб интенсив маъно даражаланиш ифодаланади.

Биз талтинган туйнук – олис Зуҳал эди,

Юлдузларнинг нафаси ҳам асал эди.

Гўзалмидинг-йўқми, ҳозир ёдимда йўқ,

Лекин ўша севги беҳад гўзал эди.

(Тўртилклар. Иқбол Мипзо)

- *Хоҳласак ётамиз, хоҳласак турамиз, хоҳласак олмazor қирларга чиқиб дайдиб кетамиз. Шунда кўз олдимизда улкан дид ва маҳорат билан қурилган миттигина, лекин беқиёс кўркем шаҳарча Порт-Артур намоён бўлади.*

(Қайдасан Морико. Одил Ёқубов, 2)

3) баъзи жамловчи олмошлар билан, бу ҳолатда олмолар ўзидан кейин –дан келишигини олиши мумкин: *ҳаммасидан, ҳаммадан, баридан, барчасидан, умуман.*⁴¹

-*Аммо, ҳақиқат баридан устун, деган гап бор, шунга кўра, бу саволларни бермасам, мен ҳам хиёнат қилган бўламан. Қолаверса, бир кунни бориб бари ошкор бўлади-ку!*

(Шоирнинг тўйи. Эркин Аъзам, 21)

4) Такрорий (жуфт) сўзлар воситасида ифодаланади. Бунда такрорий сўзлар кўпинча от олдида қўлланади. Такрорий сўзлар аффиксиз ёки биринчи компоненти –дан чиқиш келишик суффиксини ва ҳамда асосан такрорланиб келаётган сўз от бўлса, икки компонентга –дай аффикси қўшилиб келиши мумкин:⁴² *катта-катта, баланд-баланд, узоқдан-узоқ, тоғдай-тоғдай, бармоқдай-бармоқдай.*

- *Кошона одамга лиқ тўладиган кунлар ҳам бўлади. Катта-катта анжуманлар, атоқли шоиру олимларнинг тантанавор рўзи таваллудлари — юбилейлари шу ерда ўтади.*

(Шоирнинг тўйи. Эркин Аъзам, 2)

- *Камол баққуват тишлари билан ёнгоқларни қарс-курс чақиб,*

⁴¹ Ф.Ф. дотс. А. Зияев - ўзбек, рус, инглиз тилларидаги сифат сўз туркумида интенсификация ва деинтенсификация ходисасининг намоён бўлиши. – (Мақола) ФарДУ илмий хабарлар журнал. УДК:4/414 – 2017 й. –Б. 66

⁴² Й. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаева – “Хозирги ўзбек адабий тили” – Т. 2008 151-228 бетлар

олтин рангли **бармоқдай-бармоқдай** майиз билан ея бошлади. (Ойбек) ⁴³

Шунингдек синонимик сўзларнинг жуфт ҳолда келиши ҳам маънонинг кучайишини ҳосил этади: *қинғир-қийшиқ, мўл-кўл, эгри-бугри* кабилардир.

-Теварак-атрофда бўронли тундан қолган қинғир-қийшиқ қор уюмлари, янчилган буталар, қор босиб ёй шаклига келган ёш дарахтчалар, қулаб ётган эски дарахтлар.

(Оқ кема. Чингиз Айтматов, 54)

5) Турлича сўз бирикмалари, идеоматик иборалар каби синтактик воситалар: *ҳаддан зиёд, ақл бовар қилмас даражада, гап бўлиши мумкин эмас, ўзига хос, инкор қилиб бўлмас даражада, сезилари даражада, етти ухлаб тушга кирмаган, боши осмонга етади(етди)* ва бошқа бирикмали воситалар ҳамда баъзан бирор бир гапнинг ўзи асосан кўшма гаплар маънонинг интенсив даражаланишини ифода этишга йўналтирилади. Бундай гапларда кўпинча *шундай, шунақанги* каби кўрсатиш олмошлари, шунингдек эргаш гапнинг кесимига *–ки* юкламаси қўшилади.

- Лекин уйлансанг, шундай бировини топиб хотин қилгинки, сира-сира жонингга тегмасин! Неча йил ўтса ҳам!

(Сув ёқалаб. Эркин Аъзам, 16)

- Ўрмон калта осмонга сапчигудек чийшлаб юборади:

– Қўшилмаймиз ҳам! У дунё-бу дунё қонимиз қўшилмаган улар билан, ҳа, билиб қўйинг!

(Гули-Гули. Эркин Аъзам, 15)

- Кутади, яхши кўрса - кутади. Сен янги уйга тушириб оламан десанг, обрўйи-да, қайтанга боши осмонга етади. Ё яхши кўрмайдими?

⁴³ Эшниёзова О.Т. – “Ўзбек тилидаги даража категорияси” БМИ. Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети. Тошкент – 2012. –б 14-15

(Соясини йўқотган одам. Аҳмад Аъзам, 89)

Тиллардаги мавжуд иборалар асосан тингловчига экспрессивликнинг таъсирини юқорига кўтариш ва нутқда англашилинаётган маънонинг интенсив даражаланишини ифода этади. Юқоридаги мисолда ҳам “*боши осмонга етади*” ибораси “*жуда ҳурсанд бўлади*” деган маънони ифодалайди, яъни *хурсанд бўлиш* нинг нормал даражасидан юқори таъсирчанликни кўрсатмоқда.

Инглиз тилида нутқ жараёнида сўзловчи томонидан берилаётган фикрига ўзининг муносабатини, воқеликка баҳосини ифодалашда лексик ва синтактик воситалар фаол иштирок этади. Маънонинг экспрессивлиги ва таъсирини юқори даражада интенсив ифодалашда инглиз тилида асосан даражани кучайтирувчи равишлар кенг қўлланилади.

*Considerably, essentially, greatly, markedly, significantly, vigorously, broadly, far, fully, highly, strongly, absolutely, completely, constantly, entirely, exclusively, extremely, manifestly, perfectly, primarily, purely, truly, radically, solely, totally, ultimately, uniquely, actually, especially, fundamentally, peculiarly, really, very, adequately, effectively, equally, exactly, naturally, necessarily, precisely, specifically, too, so, utterly, pretty, quite, enough, much, a lot, most, remarkably, exceptionally, colassally, surprisingly, terrifically, excessively, unusually, phenomenally, uncommonly, extraordinarily, frightfully, astoundingly, terribly, dreadfully, bloody, supremely*⁴⁴ каби равиш сўзлар нутқ жараёнида интенсив даражаланишни ифода этади.

*She was **so** upset. I felt **extremely** sorry for her.*

⁴⁴ www.google.com/ from [English Grammar Today](#),

Wolfgang, U. Dressler, Lavinia Merlini, Barbaresi – “Morphopragmatics” – Berlin, New York: M. de Gruyter, 1994. 44-45 бетлар.

*She has a **very** strict teacher.*

*Don't work **too** hard. Sometimes you'll get more done by relaxing a bit.*

*I don't think she understood the topic and her essay was **quite** a mess.*

*She's **really** offended her sister.*⁴⁵

(интернетдан олинган мисоллар)

All жамловчи олмоши билан маъно кучайиши куйидагича ифодаланади:

At all – умуман асосан негатив ифодасида маъно кучайтиради:

- *Are there no suitable DVDs **at all**?*

- *I'm afraid I'm not **at all** interested.*

(интернетдан олинган мисоллар)⁴⁶

All of - жамловчи олмош бўлиб, холатда кишилик олмошлари (*us, them*), кўрсатиш олмошлари (*this, that, these, those*) ҳамда нисбий олмошлар (*whom, which*) олдидан келадиб, маънони кучайишини ифодалайди.

*I need to speak to **all of you** for a few minutes.*

*He brought gifts for **all of us**.*

*We had to contact the insurance firm and the airline, **all of which** took a lot of time.*

(интернетдан олинган мисоллар)

All кўрсатиш олмошлари, ёки аниқ отлар (бу каби отлар олдида *the* кўрсатгичи бўлади) ва эгалик сифат олмошлари билан келганда *of* предлоги тушуб қолиши ҳам мумкин.

⁴⁵ www.google.com/ from wikipedia, the free encyclopedia

⁴⁶ www.google.com/ from [English Grammar Today](#).

All (of) the workers were given a pay-rise at the end of the year.

I gave all (of) my old books to my sister when she went to university.

What shall we do with all (of) this cardboard? Throw it out?

(интернетдан олинган мисоллар)

Тўлдирувчи олмошдан кейин келиб, таъкидлаш ва маънони кучайишини ифодалайди.

*I used to have three pens but I've lost **them all**.*

Рангларга нисбатан *тўқ, тум* маъноларини беришда инглиз тилида даража равишларидан ташқари *dark* сўзи қўлланилади.

Dark red – тўқ қизил; Dark black – тум қора

What, how сўроқ олмошлари *such* олмоши сифат ва отлар олдида келиб маънони кучайишини ҳосил қилади.

What on earth is he doing?

What a beautiful girl you are!

How nice to see you!

I am very glad to hear such good news!

(интернетдан олинган мисоллар)⁴⁷

Инглиз тилида сифатнинг ортирма даражасини ифодалашда икки ва ундан ортиқ бўғинли сўзлардан олдин *the most* бирикмаси қўлланилиб, интенсив маъно ортиришга хизмат қилади, шунингдек бу ортирма даража

⁴⁷ www.google.com/ from [English Grammar Today](http://www.english-grammar.com/)

шакли ифодаланаётган гап таркибида *of all, in + жой номи, S + have ever V³* (present perfect замони) каби лексик воситалар қўлланилади.

- *He is the most intelligent student of all his friends.*

- *London is the most beautiful city in England.*

- *This book is the most interesting book I have ever read.*

(интернетдан олинган мисоллар)

Инглиз тилида ортирма даража сифатлари олдидаги *the* аниқ артикли ўрнига *a* ноаниқ артикли қўйилганда интензив маъно даражаланиши яна ҳам ортади.⁴⁸

a. *"Come for a stroll, Hastings. This has been a most rotten business.*

b. *"I say! There's been the most awful row! I've got it all out of Dorcas."*

c. *She was a most generous woman, and possessed a considerable fortune of her own.*⁴⁹

Ever – вақтни ифодаловчи сўзи ҳам сифат олдидан, ҳам гапда феълдан олдин келиб маънонинг даражасини кучайтиради.

- *Why did I ever invite them to stay with us?*

- *I can not forget her, she is ever beautiful!*

(интернетдан олинган мисоллар)

Possible сўзининг сифат даражаларидан кейин ишлатилиши ҳам

⁴⁸ "Superlatives as such reek of definiteness." (Plank 2003: 370 quoted in Van de Velde 2009: 282).

⁴⁹ Ton van der Wouden, Meertens Instituut Ad Foolen, Radboud Universiteit – "A most serious and extraordinary problem. Intensification of adjectives in Dutch, German, and English" – б: 8

маънони яна ҳам кучайтириши мумкин.⁵⁰

Масалан: *The largest thing possible.*

The most beautiful thing possible.

Бир гапнинг ўзида иккита инкор маъно кўрсатувчи бирикмалардан фойдаланиш орқали ҳам маъно кучайишини ҳосил қилиш мумкин. Бироқ инглиз тилининг стандарт грамматикасига кўра бир гапда иккита инкор кўрсаткич қўлланилмайди (*I don't want **anything** / ^xnothing^x else.*). Лекин юқоридаги маъно кучайтириш шакли ҳам нотўғри ҳисобланмайди (но стандарт диалект).⁵¹

We couldn't never work withnobody like that.

He never says nothinginteresting to no one.

Highly равиши маълум сифатлар билан келганда *successful, intelligent, likely* ва *unlikely*.

He was highly intelligent.

She's a highly successful businesswoman.

Bitterly эса *disappointed, unhappy* ва *cold* каби сифатлар билан келганда интенсив маънони ифодалайди.

I was bitterly unhappy at school.

We were bitterly disappointed to lose the match.

It can get bitterly cold in winter.

⁵⁰ Ф.Ф. дотс. А. Зияев - ўзбек, рус, инглиз тилларидаги сифат сўз туркумида интенсификация ва деинтенсификация ходисасининг намоён бўлиши. – (Мақола) ФарДУ илмий хабарлар журнал. УДК:4/414 – 2017 й. –Б. 66

⁵¹ www.google.com/wikipedia/double negatives and usage from English Grammar Today

Қуйидаги фразалар билан: *a great deal, a good deal, a good bit, quite a lot, a far bit, much more, by far, easily* маъно кучайтирилади ва бу воситалар асосан қиёсий ва ортирма даражадаги сифатлар билан келади.

*New York is **quite a lot bigger** than Boston.*

*The blue whale is **easily the biggest** animal in the world.*

*This car was **by far the most expensive**.*

Қуйидаги сифатлар фақат отлар олдида келганда: *absolute, utter, total, complete, perfect, real*

*He's a **complete idiot**.*

*They were talking **utter nonsense**.*

Лекин: ~~*The **idiot** was **complete**.*~~

~~*The **nonsense** they were talking was **utter**.*~~

Such, so каби лексик воситалар орқали оддий гап структурасида сифат ва от сўз туркумидаги сўзларнинг маъноси кучайтирилиши ҳақида маълумот бериб ўтилди, шунидек бу воситалар ёрдамида кўшма гапларда ҳам воқеликнинг кучайтирилган маъносини яна ҳам интенсив характерга кўтариш мумкин. Бу ҳолатда ўзбек тилидаги *шундай* олмоши иштирокидаги эргаш гап қолипига ўхшайди.

Эга + кесим *so* + *сифат/равиш* that эга + кесим (кўп ҳолларда *can/will/could/would* қўлланиши билан ҳам интенсивлик сезиларлича ортади)

Эга + кесим *such* + (*a/an* от бирликда бўлса)(*сифат*) that эга + кесим

*He is **so clever** that he **can** deal with any issue in front of him.*

(У шундай ақлики, олдида учраган хар қайси муаммони ҳал қила олади)

There were such a lot of people in the room that I couldn't find a space to sit.

(Хонада шунақанги кўп одам бор эдики, ўтиргани бўи жой тополмадим.)

Шунингдек инглиз тилидаги фразеологик иборалар ва идиоматик ўқшатишлар ҳам интенсив маъно кучайиши ва таъсирчанликни оширади.

To rain cats and dogs – кучли ёмғир ёғиши (челаклаб қуймоқ)

To cost an arm and a leg – жуда қиммат турмоқ (захардан қиммат)

Elvis has left the building – жуда кеч, ҳаммаси тамом

To swim like a fish – жуда яхши сузмоқ (балиқдек сузмоқ)

To eat like a horse – жуда кўп емоқ (молдек емоқ)

To be dead on my feet – жуда чачамоқ (ўлгудек чарсадим, оёғимда тура олмайман)

To have a memory like an elephant – кучли хотирага эга бўлмоқ

Break one's heart – қаттиқ ҳафа қилмоқ (қалбни парчаламоқ)

Far cry from – жуда бир биридан фарқ қилмоқ (от билан туячалик фарқ қилмоқ)

Нутқдаги маънони кучайтириш учун инглиз ва ўзбек тилларида лексик ва синтактик воситалар жуда кўп. Шу билан бир қаторда маънони кучсизлантиришга қаратилган лексик ва синтактик воситалар интенсив характерга эга воситаларга нисбатан салмоғи анча фарқ қилади.

Ўзбек тилида маъно даражасини нормал ҳолатга етмаганлигини ифодалашда қуйидаги лексик воситалар иштирок этади:

Даража равишлар, сўзлар ва сўз бирикмалари: *сал, дуруст, ҳиёл, бироз, озгина, зўрға, жичча*(шеваларда), *пича, ҳийла, бир мунча, унча* (унчалик)...*эмас, у қадар.....эмас, қисман, тахминан, деярли* каби воситалар.

Исмоил яна бир дона олди. У ниманидир айтмоқчи эди. Бошини сал эгди. (Ўгай она. Аҳмад Лутфий, 4)

Озгина сабр қилинг. Бу шунчаки, гапнинг ҳамиртурушии, муқаддимаси, бўлмаса, ишнинг моҳиятига яқинлашиши амримаҳол.

(Охир замон нишонлари. Чингиз Айтматов, 115)

Инглиз тилида эса қуйидаги воситалар билан деинтенсив маъно даражаланиши ифода этилади: *slightly, partialy, hardly, roughly, arguably, fairly, nearly, practically, barely, rarely, seldom, occasionally, gradually, steadily, moderately, rather, faintly, almost, about, approximately, more, less, (a) little, scarcely* каби воситалар.

*Peeta smiles **slightly**. "I bet you thought you'd done your last interview with me, Caesar."*

(Mockingjay. Suzanne Collins, 19)

*I have reconstructed Isabel's account **partly** from my recollection of what she then said to me and **partly** with the help of my imagination.*

(The Razor's Edge. W. Somerset Maugham, 47)

*He is **about** twenty, good-looking **in a rather vacous way**.*

(интернет)

Ўзбек тилида ранг тусларга нисбатан маънони кучсизлантиришга *ним, оч* сўзлари ҳизмат қилади.

оч кўк, ўч сариқ, оч қизил, ним қора, ним кўк

Инглиз тилида худди шундай фазифага эга сўзлар қуйидагилардан иборат *light, pale, white*.

pale blue, pale green, light red, light brown, white pink, white purple

ўзбек тилида қандайдир, нимагадир, нимадир каби сўрок

олмошлари маънонинг кучсизланишига ҳизмат қилади ва инглиз тилида ҳам худди шундай олмошлар ҳам бир хил хусусиятга эга (*somewhat, something*).

Дутор кўнгилнинг аллақандай ингичка жойини қитиқлайдир, чилдирма юракни **нимагадир** ошиқдириб, Гулсин қизнинг йўргалаши борлиқ аъзони зириллатадир.

(Ўткан кунлар. Абдулла Қодирий, 29)

Harry persisted in the common room that evening, but his assertion that the whole team would be devastated if Ron left was somewhat undermined by the fact that the rest of the team was sitting in a huddle in a distant corner, clearly muttering about Ron and casting him nasty looks.

(**Harry Potter (6 book). J. K. Rowling, 367**)

it was a somewhat harrowing service. (интернет)

Инглиз тилида шунингдек, шарт эргаш гапларнинг биринчи турида эргаш гапнинг бошидаги *if – agar* боғловчисидан кегин *should* модал феъли *мободо* маъносида эҳтимолликни кучсизлантириб келганда деинтенсив ҳодиса ифодаланади. Шунингдек *should* эҳтимоллик маъносини кучсизланган холати ҳис-ҳаяжон гапларда ҳам учрайди.⁵²

*Why **shouldn't** I marry their precious father?*

*Who **should** come to the door but the girl herself.*

⁵² Ирода Аблакулова СамДЧТИ магистранти – (мақола) “Инглиз тилида модаллик маъносининг кенгайиши (should феъли мисолида)” – СЎЗ САНЪАТИ WORD ART илмий мақолалар тўплами. 2014. 2 сони. – б 70-72

*If you **should** see him, can you give him a message?*

Куйидаги бази от бирикмалари ҳам инглиз тилида деинтенсив маъно даражаланишини ифодалайди: *a bit (of), a trifle, a shade, in a way, to some extent, a kind of, a sort of, all but, form of, a morsel, a mite, in the least, in the slightest* каби.

*I love him and I want him to be happy. And you know, **in a way** I'm not sorry he should go.*

(The Razor's Edge. W. Somerset Maugham, 52)

*The great secret, Eliza, is not having bad manners or good manners or **any other particular sort of** manners, but having the same manners for all human souls: in short, behaving as if you were in Heaven, where there are no third-class carriages, and one soul is as good as another.*

(Pygmalion. Laura Reis Mayer, 15)

"I have got a trifle of money somewhere about me, my dear" said Mr Barkis, "but I'm a little tired"

(David Copperfield. Charles Dickens, 77)

Айрим иборалар деинтенсив характерда:

Feel a bit under the weather – ўзини биров ёмон (касал) ҳис этиш.

Once in a blue moon – деярли йўқ (вақтга), баъзи пайтда.

I am out of sorts – манн биров =афаман (касалман).

Демак биз ушбу бобда инглиз ва ўзбек тилларида интенсив ва деинтенсив маъно даражаланишини ифода этишда тилдаги барча мавжуд имкониятлардан яъни воситалардан *фонетик, морфологик, лексик ва синтактик* кабилардан фойдалана оламиз. Бу воситалардан фойдаланиш сўзловчининг сўзловчилик маҳорати, вазиятни тўғри баҳолай олиши каби қобилиятига боғлиқ.

III Боб. Интенсификация/деинтенсификация категориясининг лингвокогнитив хусусиятлари

3.1 Когнитив тилшунослик янги йўналиш сифатида

Тилшунослик турли тизимдаги тилларда муҳим аҳамият касб этувчи ва тил тараққиётидаги ўзгаришлар ва муаммолар билан тилшунослар ва бошқа фан соҳалари мутахассисларининг эътиборини тўхтовсиз равишда жалб этиб келаётган соҳалардан биридир.

Лисон ўта такомил, мураккаб, кўп қиррали, кўп вазифали, бир пайтнинг ўзида ижтимоий ҳам индивидуал, яратилган ва яратувчанлик кучига эга бўлган, турғун ва ҳаракатдаги, тизимли ва нотизимий хусусиятли ҳодисадир. Шу пайтгача, турли фан соҳалари тил тизимини, лисоний қобилиятни ўз еҳтиёжлари учун, ўз қизиқиши доирасида, турли таҳлил услублари воситасида тадқиқ этиб келадилар. Чунки турли соҳаларнинг вакиллари ҳамкорлиги даврий, вақти-вақти билан намоён бўлиб, илмий таҳлил предмети ва объектнинг ягона эканлигини англаш қийин бўлган. Ниҳоят, лисон муаммолари билан қизиқувчи фанлар ягона бир объектни мажмуавий, ҳар томонлама тадқиқ қилиш йўлини танлашди ва натижада соҳалараро фанлар, йўналишлар шаклланди.

Когнитив тилшунослик худди шундай соҳалараро мулоқотнинг маҳсулидир. Бундай мулоқатнинг тез, осонгина, ихтилофларсиз кечиши қийин. Шу сабабли когнитив тилшуносликнинг мустақил йўналиш сифатида таркиб топиши ҳам мураккаб жараён, лисондек ўта мураккаб тадқиқ объектини танлаган ҳар қандай фан соҳасининг мураккаб муаммолар қамровида қолиши ҳам муқаррар.

Когнитив тилшунослик атамасининг мазмуни инглизча “cognitive – билишга оид“ сўзи билан боғлиқ. Маълумки, дунёни, воқеликни билиш,

уни идрок этиш оддий ҳодиса эмас. Айрим ҳолларда билишни тўғридан тўғри фаҳмлаш, тушуниш ҳаракатлари билин боғлаб қўйишади. Шунинг унутмаслик лизимки, тафаккурнинг ўзи инсоннинг мақсадли фаолияти натижасида ҳосил бўлиб, у инсонлар ўртасидаги мулоқот жараёнида воқеликка нисбатан билдирилаётган фаол муносабатнинг ифода топишидир.

Тилшуносликнинг янги соҳаларига нисбатан қизиқиш ва изланишлар олимларни кўплаб ишларни амалга оширишга туртки бўлди.

Ташқи дунёнинг онгдаги инъикоси пайдо бўлишида тил асосий рол ўйнашига алоҳида урғу берган олимлар (Сепир, Ҳойжер, Ҳоккет, Будагов, Панфилов ва бошқалар) таъкидича, лисоний структура инсоннинг воқеликни идрок этиш қобилиятини шакллантиради.

С.Д.Кацнельсон “Тил – нафақат мулоқот қуроли, балки фикр ва ғояни шакллантирувчи ҳамда уни ифодаловчи қуролдир” деб ёзган эди.

Мантиқий фаолият ҳосиласи бўлган “тушунча” ва когнитив тилшуносликда кенг миқёсда қўлланилаётган “концепт” атамаларини бир хил мазмунда қўллаш мумкинми? Сўзсиз, бу иккала ҳодиса ҳам тафаккур бирлиги сифатида намоён бўлади. Буларнинг иккаласининг ҳам бошланғич нуқтаси воқеликдаги предмет – ҳодисанинг ҳис қилиниши ва образли тасаввур қилиниши билан боғлиқ. Концепт ҳам тафаккур бирлиги ва унинг асосида тушунча, образ ва лисоний маъно умумлашмаси ётади. Концептнинг шаклланиши индивидуал образ туғилишидан бошланиб, лисоний бирликнинг пайдо бўлиши билан тугайди. Таниқли файласуф ва психолог Жерри Фодор воқеликнинг онгда инъикос этиши ва бу жараёни “тафаккур лисони”га ўхшатади. Чунки ҳар қандай мантиқий тасаввур ҳаракати маълум кўринишдаги структурага эга бўлади ҳамда бу структура

табий тил бирлигининг синтактик шакли такрорига ишорадир”

Концепт ментал тузилма бўлиб, у турли таркибдаги ва кўринишдаги билимлар кванти ёки умумлашмасидир. Концептлар инсон онгида шаклланадиган турли категорияларнинг асосини ташкил қилади, улар учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Бу бевосита турли гуруҳдаги ва тузилишдаги концептлар шаклланишига сабаб бўлади.⁵³

Замонавий тилшунослик фанида концепт моҳиятининг муаммолари кенг тақдим этилган. Концепт масаласи илмий изланишлар натижаси ўлароқ турлича талқинларда намоён этилди. Бу термин ўз ичига лингвистиканинг турли соҳага оид тушунчалар: семантика, когнитив лингвистика, лингвокогнитологияни қамраб олади. Ҳар бир олим ўз фани ва ўз парадигмаси доирасида муҳокама қилиб изланаётган терминни аниқлаштириш ва конкретлаштиришга ҳаракат қиладилар. Аммо бундай изланишлар таҳминларининг кўплиги “концепт” тушунчасининг вариантларини ошириб, муаммоли масалаларни келтириб чиқаради.

Концепт ақлий моҳият бўлиб, у ҳар бир инсонда мавжуд оламни англаш ва хаттоки тасаввурдаги оламни ҳам билиш демакдир.

Концептлар системаси инсоннинг реал борлиқни тушунишини акс эттирувчи олам тасвири (“картина мира” - “world picture”)ни ташкил этади. Концептлар майдони анализи муаммолари ва тилда олам тасвирини англаш масалалари билан тилшуносликнинг ёш соҳаларидан бўлмиш когнитив тилшунослик шуғулланади. Тилда олам тасвирига қизиқишни немис тарихчи олими И.Гердернинг ишларига таяниб “хилма-хил тиллар ўз миллатлари учун асл фикр ва идрок органи ҳисобланади”- деб ёзган В. Фон Гумболдтнинг ишларида кузатиш мумкин. Гумболдт тилда олам тасвири

⁵³ Ш.Сафаров “Когнитив тилшунослик” Жиззах - 2006

таълимотининг асосчиларидан бири ҳисобланади. “Тилдаги олам тасвири” бу – “тиллар жамланмасининг концептуал мазмунидир” (Ю.Н.Караулов).

Рус олими Ю.Е.Прохоров инсон томонидан оламни идрок этиш жараёнида концептнинг пайдо бўлишини таҳлил қилади, “концепт” терминидан турли маданиятларда фойдаланиб “концепт концептини” халқаро доирада қайта тузади. Олим ўз изланишларини чуқур таҳлил этиб, концепт ҳақида тўлақонли тавсифга эга бўлиш мақсадида изланишларини олиб боради ва унинг натижасида тилшунослик фани иккига, яъни: лингвокогнитив ва лингвокультурологик турларга ажратади. Кубрякованинг фикрига кўра эса, концепт лингвокогнитив ҳодиса сифатида “бизнинг онгимиздаги ақлий ва психик ресурслар бирлиги қайсики одамнинг билими ва тажрибасини акс эттирувчи, инсон психикасида акс этувчи бутун олам тасвири, мия, тили, концептуал ситема ва оператив хотирани қамраб олувчи бирлик саналади”.⁵⁴

Юқоридаги иккала ёндашув бир-бирини тўлдириб, концепт бир вақтнинг ўзида тил ташувчиларнинг фикрлаш тарзини, маданий майдон суръатини ҳам акс эттиради, ҳам шакллантиради. Лингвокогнитив ёндашув бу индивидуал онгни маданиятга йўналтиришдир, лингвокультурологик ёндашув эса маданиятни индивидуал онгга йўналтиришдир.

Семантика XIX асрда семиотика майдонида техник сўз сифатида ишора ва нарса орасидаги алоқадорликни ташкил этувчи масалалар доирасида юзага келган. У лингвистика соҳасида ҳам сақлаб қолиниб, сўзларнинг маъносига тегишли бўлган. Сўзловчи семантикани муҳим бўлмаган, аҳамиятсиз ёки арзимас, мунозарага алоқадор бўлмаган бирор

⁵⁴Нестерова Т.Г. Концепт как объект исследований современной лингвистики Оренбургский филиал РГТЭУ, г. Оренбург

бир нарсани ифодалаш учун ҳосил бўлган сўз сифатида назарда тутишган. Аммо семантиканинг маъносини тушуниб етган айрим инсонлар бу маънонинг аниқ характери жуда ҳам муҳим эканлигини устида бош қотирдилар.⁵⁵

XX асрга келиб семантиканинг маъно англатиши борасида турли ёндашишлар бўлди. Философлар ва лингвистлар тилдаги чалкашликлар борасида маънони қандай қурилади ва аслида маъно қай даражада кўчмас эканлиги борасида узоқ вақтгача бараварига мунозара олиб бордилар. Чунончи, Шекспир “Биз нарсаларни “атиргул” деб атаганда хушбўй ҳид беришини назарда тутамиз, ном аҳамиятга эга эмас, асл маъно концептда” -деб тасдиқлайди.

Семантика сўзларнинг, белгиларнинг, гап структурасининг маъноси ва изоҳини англатади. Семантика ўқиб англаш ва қай даражада тушунилганлигини изоҳлаш натижасида келиб чиққан фикрни аниқлаб беради. Семантика тилшуносликда тилни тақсимлаш ва маънони тушуниш соҳасида ўрганилади. Бу ҳам философлар орасида маънони қай тарзда тушуниш, изоҳлаш, етказиш ва маъно даврлар мобайнида ўзгариб туриши борасидаги кўплаб мунозараларга сабаб бўлди.⁵⁶

Бошқа манбаларда “семантика морфема, сўзлар, иборалар, гапларнинг маъносини ўрганади” -дея таърифланган.⁵⁷

Семантика XIX-XX асрларда чет эл олимлари Ч.Пирс, Ф.де Соссюр, Ч.Моррислар томонидан алоҳида ўрганилган. Унинг ривожига асосий ҳисса қўшган тилшунослар Г.Фреге, Б.Рассел, А.Тарский, Р.Карнап ва

⁵⁵ <http://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1002/asi.21382/epd>

⁵⁶ <http://study.com/academy/lesson/what-is-semantics-definition-examples-quiz.html>

⁵⁷ <http://www.ling.upenn.edu/courses/ling001/semantics.html>

бошқалардир.⁵⁸

“Семантика” сўзи юнонча - “билдирувчи, ифодаловчи” деган маънони беради. Унинг асосий муаммоси у ёки бу тушунча, термин, матнлар нимани англатади, уларни қандай тушуниш керак каби саволларни ўрганишга қаратилган. Шу билан бирга семантикага “маъно анализи” (“the analysis of meaning”) дея таъриф ҳам берилган бўлиб, унинг нима учун ўта кенг эканлигини қуйидаги инглиз тилида келтирилган мисолда кўришимиз мумкин:

Kim , returning home after a long day, discovers that the new puppy has crapped on the rug, and says "Oh, lovely."

Таржимаси: *Ким, узоқ чўзилган кундан сўнг қайтар экан, палосга ахлат бажарган янги кучугини кўриб қолиб деди: “Вой, ажойиб ”.*

Биз бу гапга одатда *Ким* итнинг ахлатини маъқул кўриши ёки ёқимлифазилат деб ишониши назарда тутиляпти деб қарамаймиз. Аммо инглиз тилини билмайдиган инсон таржима луғатидан *Ким* нимани назарда тутганини билиш учун беҳуда изланади.

Бу эса шубҳасиз *Ким*нинг сўзларни адабий маъносини оппозит томонга буриб ишлатиш маъносида киноя қилиши эди. Шунинг учун ҳам сўзнинг маъноси ва *Ким*нинг маъноси яъни у нимани назарда тутгани бошқа бошқа нарсалардир.⁵⁹

Семантика морфема, лексема, сентенсема, фраземаларда ва мақолларда инсоннинг атроф муҳит билан боғлиқ ҳолда ҳаётий тажрибалардан келиб чиқиб ифодаланади, бироқ бу, турли тилларда халқнинг келиб чиқиши ва ҳаёт тарзи анча фарқланишини ҳисобга олиб бир хил маънони берса ҳам ҳар хил сўзлардан фойдаланиб ифодаланади.

⁵⁸ Философия: Энциклопедический словарь.- М.Гардарики. Под редакцией А.А.Ивина. 2004.

⁵⁹ <http://www.ling.upenn.edu/courses/ling001/semantics.html>

Масалан, қуйида инглиз, ўзбек ва рус тилларида келтирилган мақолларга эътибор қаратамиз:

1. Too many cooks spoil the broth.
2. Қассоб иккита бўлса мол харом ўлади ёки Қўйчивон кўпайса қўй харом ўлади.
3. У семи нянек дитя без глаза.

Юқоридаги мақолларнинг таржимаси:

1. Ошпаз кўп бўлса шўрвани таъми бузилади.
2. Қассоб иккита бўлса мол харом ўлади.
3. Энага еттита бўлса болалар кўзсиз қолишади.

Келтирилган мисоллар бирь маънони ифодаласа ҳам, формаларда фарқланмоқда.

Унда қандайдир иш ёки вазифага бирданига тайинсиз кўпчиликни жалб этилса натижа бефойда ва кутилгандан ёмон бўлиши мумкин.

Энди эса қуйидаги мисолга эътиборимизни қаратамиз:

1. Strike the iron while it is hot.
2. Темирни қизиғида бос.
3. Куй железо пока горячо.

Ушбу мақолларнинг таржимаси:

1. Темирни қизиғида бос.
2. Темирни қизиғида бос.
3. Темирни қизиғида бос.

Юқоридаги мақоллар ҳам маъно жиҳатдан, ҳам форма жиҳатдан бир хил эканлигини кўришимиз мумкин. Унинг маъноси энергияни сарфлаш, имкониятни қўлдан чиқармаслик учун айна вақт эканлиги назарда

тутиляпти. Бу мақолларнинг мавжудлиги учала халқ ҳаётида ҳам умумий руҳдаги атроф муҳитга бўлган алоқадорликни англатади.⁶⁰

Инсон бирор шаклнинг мазмунини яъни семантикасини тилида ифодалаши учун аввало шу мазмунни англатувчи концептга эга бўлиши, уни аввало ўз тафаккурида идрок этиши лозим. Тафаккур фаолияти жараёнида юзага келадиган билим когнитив тилшунослик соҳасида ўрганилади. Демак, концептуал семантика когнитив тилшунослик доирасида ўрганилиб борилиши бу соҳадаги кўплаб саволларга жавоб топишда ёрдам беради.

Концептуал семантика семантик таҳлилнинг асоси ҳисобланиб, унинг ривожидан Ray Jackendoff томонидан ҳисса қўшилган. Унинг мақсади инсон томонидан тушуниладиган сўзлар ва гапларнинг концептуал элементлари характеристикасини ва изоҳловчи семантик тасвирни таъминлаб бериш ҳисобланади.

Бошқа семантик назариялар каби Jackendoff таркибий қисмларга ажратилган методда концептуализацияни ўрганиш муҳим эканлигини тасдиқлайди. Физика соҳасида илмий изланишлар олиб борган бир қатор олимлар концептуализацияни илмий ўрганиш бўлакларга бўлиш, қисмларга ажратиш орқали илмий ўрганиш мумкин деган фикрни ёқлайдилар. Бу инсонни дунёни англашини қодлайдиган, қадимги концептуал элементларни қандай маънода ташкил топганлигини ўз ичига олувчи концептуал структуранинг даражаси, ақлий тасвирнинг даражасидир. Чекланган синтактик категориялар мажмуи ва уларни бирлаштирган қоидалар олдинга қадам қўя бошлади, шундай қилиб концептуал семантика ақлий соддаликнинг ноаниқ мажмуи ва ақлий

⁶⁰ Ж.Н.Маратович “Сравнительное изучение семантически эквивалентных пословиц и поговорок в разносистемных.” Нукусский государственный институт им. Аджинияза-2013.

комбинация принциплари ноаниқ мажмуининг ўзаро таъсирини бошқаришда олдинга қадам қўйди. Jackendoff ушбу ақлий соддалик ва уни бошқариш қоидалари мажмуасини “сентенсионал концепт грамматикаси” деб таъкидлаган. У параллеллик ва фарқларни кўрсатиб беришга бағишланган табиатнинг концептуал структурасини туб моҳиятини очиб берувчи лексемаларга нисбатан қарашларини билдирган. Унинг таъкидлашича, ушбу метод уни психологлар саъй ҳаракати замирида тадқиқ этиш жараёни кундалик лексик муаммолар жуда қисқа масофада ётишидан дарак беради. Jackendoffнинг таъкидлашича, концептуал структурани тадқиқ этиш таркибий қисмларга бўлинган яъни яширинган сўз маъноси кичик элементларга бўлиб ташланган муҳим метод ҳисобланади. Jackendoff усули сўздаги боғланмаган яширин маънолар билан қизиқарли алоқалар ўрнатишга имкон бериши, аммо танқид қилиниши ҳам мумкин.⁶¹

В.А.Маслова концептнинг структур хусусиятларига асосланиб концептуал анализни амалга ошириш методикаларини ишлаб чиқди. Ядро у ёки бу лексеманинг луғат маъноси бўлиб, концептнинг мазмунини очиш ва унинг тилдаги ифодасининг спецификасини ёритишда жуда катта имкониятларга эга. Унинг бу фикри ўз исботини топиши учун Маслова ўз илмий изланишларини нафақат тилшунослик, балки психология, маданиятшунослик каби соғаларга ҳам мурожаат этган .

В.И.Карасикнинг фикрига кўра, концептнинг таърифланиши – унинг номланиши, унга яқин маъно касб этувчи бирликларни изоҳлаш бўйича илмий тадқиқот жараёнидир.⁶²

⁶¹Jackendoff, Ray (1976). Semantics and Cognition. Cambridge, Mass.: MIT Press. ISBN 0-262-10027-4

⁶² Карасик В.И. Языковая личность: аспекты лингвистики и лингводидактики-Волгоград, -1999-с.131.

3.2 Концепт – когнитив тилшуносликнинг асосий тушунчаси сифатида

Концепт когнитив тилшунослик фанининг асосий категорияларидан бири бўлиб, маданият ва инсон ўртасидаги алоқа ўрнатовчи элементдир. “Концепт” термини 90 йиллардан бери лингвистикада қўлланилиб келинмоқда. Концепт тушунчаси ҳали ҳамон битта умумий изоҳ ёки талқинга эга эмас.

Бизнинг фикримизни бошқарувчи концептлар шунчаки идрок масалалари эмас. Улар бизнинг кундалик функцияларимизга, хаттоки мароқсиз тафсилотларга ҳам таъсир корсатади. Биздаги концептлар нимани идрок этишимизни, оламни қандай қабул қилишимизни ва инсонлар билан қандай қилиб алоқа ўрнатишимизни ташкил этади. Бизнинг концептуал системамиз шу тахлитда кундалик воқеъликларимизни аниқлашда асосий рол ўйнайди. Бироқ, бизнинг концептуал системамиз бизлар одатдагидай хабардор бўлган нарса эмас. Бизлар ҳар куни кичик воқеа-ҳодисаларнинг кўп қисмини маълум йўналишлар бўйлаб оддий тарзда ўйлаймиз, кўпроқ ёки камроқ ҳаракатланиб автоматик тарзда бажарамиз. Фақат, бу йўналишлар маънога эга эмаслиги равшандир. Бунга ойдинлик киритишнинг ягона йўли тилга мурожаат қилишдир. Ҳамонки алоқа қилиш бизнинг ўйлашимиз, ҳаракатимиздаги ўша концептуал системага боғлиқ экан, бу ўша система қандай шаклда эканлиги далилининг муҳим исботидир.⁶³

Концептларнинг ўрганилиши бўйича энг атоқли тилшунослардан бири С.А.Асколдов ҳисобланади. У концептга “бу бир тур ёки бошқа турдаги тушунчалар ҳақида фикрлаш жараёнини ўзида акс эттирадиган бирликдир”

⁶³ George Lakoff & Mark Johnsen. Metaphors we live by. London. :The university of Chicago press-2003.-p.8.

деб изоҳ берган.⁶⁴

Миллий анъана, ҳаётӣ тажриба, дин, идеология, фольклор, санъат образлари каби кўплаб факторлар ва фикрлаш жараёни ўртасидаги муносабатларни акс эттиради. Концепт “инсон ва дунё ўртасида боғлиқлик ўрнатадиган маданий қатламни” ўзида намоён қилади.⁶⁵

Д.Х.Лихачев ўзининг “Концептосфера русского языка” илмий ишида концептни сўзнинг луғат маъноси билан инсоннинг ўз миллий қарашлари билан тўқнашуви натижасида ҳосил бўладиган фикрлаш жараёнининг махсули деб таърифлайди.⁶⁶

С.Г.Воркачов бу тушунчани “ Концепт- тилдаги ўз ифодаси ва лингвокултурологик спецификасига эга тушунча, тасаввур ва билимлар тўпламидир “ дейди. Бу маданий тушунча ва тасаввурларнинг вербаллашган фикрни ҳам англатади. Концепт миллий тил ва миллий тафаккурга тегишли элементдир. Абстрактликнинг юқори босқичида семантик шаклланиш концептнинг ўзига хослигидир.⁶⁷ Бу билдирилган фикр Ю.С.Степановнинг билдирган фикрига жуда яқин, “ концепт бу маданият элементларидан бирининг киши тафаккурида шаклланган шаклидир, ҳудди шу шаклда маданият кишининг ментал дунёсига кириб боради ”⁶⁸

Турли тилшуносларнинг илмий ишларини солиштириш натижасида кўплаб хусусий хулосалар қабул қилинди. Концепт тушунчасининг тилшуносликда қабул қилинганлиги маданият, онг, тафаккур ва тил бирлигининг асосий ўзига хосликларини аниқлашда, лингвистиканинг културология, фалсафа ва

⁶⁴ Асколдов С.А. Концепт и слово//Русская словесность, М.Академия,1997 с.-269

⁶⁵ АтюноваН.Д Введение//Логический анализ текста.Ментальные действия.-М.: Наука,1993.с.3

⁶⁶ АтюноваН.Д Введение//Логический анализ текста.Ментальные действия.-М.: Наука,1993.с.3


⁶⁷ ЛихачевД.С Концептосфера русского языка.М.:Владос,1995.- с.281.

⁶⁸ ВоркачевС.Г. Концепт счастья в английском языке//Проблемы концептологии.- М.,2002.с.4.

когнитология аспекти учун янги босқич бўлиб хизмат қилди. Лингвистик адабиётларда “концепт” тушунчасига турлича ёндашувлар мавжуд, шу сабабли ҳам бу термин ҳақида жуда кўп изоҳлар мавжуд, турли ёндашувлар натижасида эса концептнинг таснифлари ҳам турлича аниқланади.

Концепт турлари: Концепт ўз структурасига эга. Оддий муайян фикр, бутун концептуал структура, абстрактликнинг босқичларини ташкил қилган тушунча ҳам концепт функциясини бажариши мумкин.

Ўз мазмуни ва абстрактлик даражасига кўра А.П.Бабушкин томонидан берилган концептнинг турларини қуйидаги схема орқали тасвирлашимиз мумкин:



Конкрет образ – бу тасаввур ёки тафаккурдаги конкрет предмет ёки воқеликнинг акс этиши. Абстрактлик даражаси юқорироқ бўлган концепт тури тасаввур (фикрлар картинкаси) – турли предмет ёки воқеликларнинг умлаштирилган образлари. Тасаввур концептининг кўпроқ ташқи белгиларига асосан акс эттирган тури ҳисобланади.

Схема – умулашган макон-график образлари ҳақидаги тасаввурлар (“дарё” кўк лентага қиёсланади).

Тушунча - предметнинг умумий ёки конкрет белгилари, объектив, мантиқий характеристикаларини ўзида акс эттиради. Тушунча тасаввур ёки схема асосида иккинчи даражали белгилардан босқичли абстрактлаштириш натижасида юзага келади.

Прототип – муайян категорияли типик предмет ёки воқелик ҳақида бошланғич тасаввурни юзага келтирувчи бирликдир. Мисол учун идеал уй бекаси ҳақида тасаввур, автомобиль ҳақида тасаввур. Мазкур концептлар кишига оламдаги объект ва воқеликларни категорияларга ажратишда ёрдам берадиган бирлик сифатида хизмат қилади.

Фрейм – хотирадаги ассоциациялар. Концепт фрейми кадр тушунчаси билан солиштириш ҳам мумкин, чунки бу концепт тури муайян концептнинг рамкасига типик тарзда нима кирса, шу белгиларни ўз ичига олади. Фреймлар схемасидан ташқари воқеалар схемаси деган тушунча ҳам мавжуд.

Сценарий – фактор фреймидан ақт ўлчами орқали фарқ қилади. Сценарий ўзида воқеаларнинг сюжетли ривожланиши ҳақида билимларни жамлайди. Бу эса кишига кундалик ҳаётининг ҳодисаларга диққат қаратишга имкон беради.

Гештальт – ҳис-туйғу рационал компонентларни ўзида жамлаб концептуал структура ёки бутун бир образни акс эттириши, ситуациянинг бутун ҳолда қабул қилиниши, абстрактликнинг энг юқори даражаси билан боғлиқ бирликдир. Гештальт англаш ва тушуниш жараёнининг бошланғич босқичидир: бирон предмет, воқелик ҳақидаги қисмларга бўлинмаган бир бутун тасаввурлар тўплами. Инсонда концептнинг ҳар бир объекти ва

компоненти ҳақида етарлича билим мавжуд бўлганида гешталт шу билимлар ичида энг юқори поғонадаги бирлик бўлиб туради. Гешталт концепт турларини бир бирликка жамловчи концептуал система, концепт эса шу система ичига кириб қолган объектларни аниқлаштирувчи термин сифатида қўлланилади.

А.П.Бабушкиннинг аниқлашича, бу каби концепт турларининг ўртасидаги фарқ жуда катта эмас. Уларнинг ҳар бири нисбатан ўзгарувчанлик хоссасига эга бўлиб вақт ўтиши билан қайта қайта шаклланиши ҳам мумкин. Эркин сўз бирикмалари концепт картидилар, схемалар, фреймлар, сценарийларнинг шаклланиши учун манба яъни материал вазифасини ўтайди.⁶⁹

Концептнинг онгли ва структур кўп қатламлилиги концептни англаш жараёнида ўз аксини топади. Бу жараённинг биринчи босқичида концептнинг ташқи факторлари, иккинчи босқичида концептнинг ички маркази, концепт образи акс этади. Учинчи босқичида образнинг метонимик концентрацияси юзага келиб, бу сўзнинг символик маъносини шаклланишига имкон беради. Тўртинчи босқичда мифологик установка жараёни бориб, маданият парадигмасида символик хусусиятлар жонлантирилади. Бу ерда эса сўзнинг ганча чуқурроқ семантикасини таҳлил қилиш жараёни кечади.

Шундай қилиб, мавжуд таснифлар концептларнинг структур ва маъновий организациясининг кенг қамровлилиги ва мураккаблигидан далолат беради.

⁶⁹ Бабушкин А.Р. Типы концептов и лексико-фразеологической семантике языке.-Воронеж, 1996.-с. 54-55.

3.3 Интенсификация/деинтенсификация категорияси лингвокултурологик хусусиятлари.

Хар бир миллат ўзида маълум бир миллий анъаналарни акс эттиради. Яъни ҳар бир халқнинг, миллатнинг ўз миллий анъаналари, урф-одатлари мавжуд. Бу маънода ҳар бир инсон ана шу миллийликни ўзида акс эттирувчи муайян маданият, тил, тарих, адабиётга алоқадор бўлади. Маълумки, тил ижтимоий ҳодиса бўлиш билан биргаликда маданият билан ҳам узвий боғлиқдир. Бугунги кунда инсонлар, халқлар, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий, маданий ҳамда илмий алоқалар, халқаро-маданий коммуникатив жараёнлар тилшунослик соҳасида тилларнинг ўзаро муносабати ва тил маданияти ҳамда тилнинг ўзига хос кўриниши каби қатор ва маданиятшунослик ўртасидаги алоҳида специфик йўналиши ва предметга эга бўлган янги соҳа – *лингвокултурология*нинг юзага келишига сабаб бўлди. Натижада XX аср охирига келиб, тил ва маданият муаммосини ўрганишни мақсад қилган – тилшуносликнинг янги соҳаси *лингвокултурология* жадал ривожланди.

Лингвокултурология – “тил ва маданият” нинг узвий алоқадорлигини, унинг шаклланиши ва ривожланишини ўзида акс эттирадиган ҳодисалар – тил-маданиятни биргаликда ўрганадиган алоҳида соҳа ҳисобланади. У маданиятшунослик ва тишунослик фанлари ўртасидаги юзага келган умумлашма фан бўлиб, тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири ва боғлиқлиги, бу боғлиқликнинг шаклланиши ҳамда яхлит бир система сифатида тил ва тилдан ташқарида акс этиши каби ҳодисаларни ўрганиш билан шуғулланади. Бир томондан лингвокултурология инсониятнинг маданий тил факторидаги ўрни, иккинчи томондан эса, тил факторидаги инсоннинг

ўрнини ўрганади.

Лингвокултурология ўрганиш объектига кўра маданиятшунослик ва тилшунгослик фанларига бирмунча яқин, бироқ мазмун-моҳияти, ўрганиш объектига бўлган ёндашувига кўра фарқли деб айтиш мумкин. Унинг чегараловчи мақоми шундан иборатки, у халқ маданиятининг тилда намоён бўлиши ҳамда ифодаланиши, тил менталитети, миллийлиги, тилт руҳияти билан боғлиқ равишда нутқий мулоқотни ташкил этишдаги миллий-маданий специфик қоидаларни ўрганади ҳамда миллат маданиятининг тилда акс этган ўзига хос миллий тил хусусиятларини аниқлаш, тадқиқ этиш билан шуғулланади.

Маълумки, маданият тушунчалар системаси, муайян халқнинг ҳаёт образи, миллий характер, миллий менталитет сифатида кенг этнографик мазмун касб этади. Н.С.Трубецкийнинг ёзишича: “Маданий коннотацияларсиз бирор сўз бўлиш мумкин эмас, яъни қиёсда, солиштиришда қандайдир умумий қисмлар бўлиши шарт”⁷⁰. Тил ва маданиятнинг ана шундай ўзаро яқинлиги ва алоқадорлиги уларни ягона методологик асосда ўрганиш имконини берди.

Лингвокултурология бугунги кунда бир неча йўналишларда намоён бўлади:

1. **Лингвокултурология** ёрқин маданий алоқаларни, лингвомаданий ҳолатларни, аниқ илмий изланишларни ўз ичига оладиган алоҳида социал гуруҳ.
2. **Диахроник лингвокултурология.** Лингвомаданиятнинг этнос ҳолатидаги аниқ ўтиш вақтининг ўзгаришларини ўрганади.

⁷⁰ Трубецкий Н.С. Поведения и мышления к языку. в кн.:НЛ.в.1.М.,1960.

3. **Қиёсий лингвокултурология.** Лингвомаданиятда пайдо бўладиган турли хил этносларнинг икки томонлама қиёслаш билан шуғулланади.
4. **Тавсиф лингвокултурология.** Бу соҳада амалга оширилаётган ишлар салмоғи оз. Улар орасида М.К.Головановский “Рус тилида сўзлашувчилар нуқтаи назарида франсуз менталитети” номли иши катта аҳамиятга эга. Ишнинг объекти сифатида рус ва франсуз тилларидаги абстракт тушунчалар: тақдир, ҳавф, омад, қалб, онг, тафаккур, ғоя ва бошқалар олинган.
5. **Лингвокултурологик лексикография.** Лингвоўлкашунослик луғатларини тузиш билан шуғулланади.

Демак, тилларнинг ўзига хослиги ва ўз миллий менталитети, урф-одати, дини ва эътиқодини, шунингдек бошқа тиллар билан ўзаро ўхшашлик ва фарқ қилувчи томонларини ақс эттириш, ўрганиш ва умумлашда лингвокултурологиянинг аҳамияти катта.

Ўзбек ва инглиз тилларида деинтенсификация ва интенсификация ходисасининг лингвокултурологик хусусиятлари асосан тилларнинг ўз миллий маданиятини ифода этувчи мақол, ибора ва метофорик ўхшатишларда намоён бўлади.

Маълумки, инглиз ва ўзбек халқлари сермаъно сўзларга ва нақлларга ҳамда ибораларга бой халқ ҳисобланади. Бу халқлар маданияти ва тилининг ривожланиш жараёни ва тарихида шу нарса намоён бўладиги ҳар икки элатларнинг аجدодлари азалдан ўзларининг ҳаётий муаммоларини – меҳнат машаққати, ғам-ташвиши, роҳат-фароғати, муваффақият ва мағлубияти, расм-русмларини умуман олганда ўзларининг

бутун маданий хусусиятларини пурмаъно сўзларида, мақол ва маталларида, ибораларида кўзгудагидек акс эттириб келади. Халқнинг тил бойлиги – унинг бўёқдор, сержило лексикасининг, фразеология қатламининг бойлиги билан ҳам ўлчанади.

Инглиз ва ўзбек тилларида маънонинг даражаланишини кучли ёки кучсиз ифода этувчи воситалар орасида турли фразеологик-лексик воситалар ҳамда турли метофорик ўхшатишлар бир пайтнинг ўзида ҳам даражаланишни интенсив ёки деинтенсив ифодалайди, ҳам лингвокултурологик хусусиятларини акс эттиради.

Бу борада лингвокултурологик объект бўла оладиган ибора ва метофорик ўхшатишлар қуйидагича таҳлил этилади.

1) Ҳайвонлар одамни ифодалашда яъни одамдаги бирор бир хусусиятни ва уларнинг характерини, ёки ҳаракат ва ҳолатини юқори даражада ифодалашда инглиз ва ўзбек тилларидаги ўзига хос лингвомаданий интенсив воситалар:

Бозор кўрган эчки – бу ибора кўпни кўрган, уддабурон, тажрибали кишиларга нисбатан ишлатилинади. Бозор – ўзбек халқида муҳум аҳамият касб этади. Сабаби ҳақиқий ҳаёт тажрибаси азалдан бозор билан боғлиқ. Эчки кўп бозор кўрса, кўп хўжайин, даллол, ҳаридор танийди яъни ҳудди мусофирдек. Шунинг учун ҳам кўпни кўрган, жуда тажрибали одамларга мазкур ибора қўлланилади.

A person who is a dark horse – ҳечким кутмаган ёки ҳаёлига келмаган (камтар) жуда ақлли ва маҳоратли инсон деган маънони беради. Инглиз халқида от севимли ва албатта илоҳий ҳайвон бўлибгина қолмай, шунингдек доноликва ақликнинг тимсоли ҳамдир. Қора ранг эса бошқа рангларга нисбатан кўзга ташланмайди шунинг учун ҳам камтарликни акс

эттирмоқда.

Итдек/молдек/чўчқадек/хўкиздедек емоқ/ичмоқ – бу иборада турли бир бирига характер жихатдан ўхшаш ҳайвонлар эталон сифатида олинган бўлиб, жуда кўп ва бетартиб тановул қиладиган *оч кўз* (тўймас) ликни ифода этишда қўлланади.

Иглиз тилида ҳам юқоридаги иборага ўхшаш ибора мавжуд – ***to eat like a horse*** – бу иборада отнинг илоҳий ёки улуғ фазилат эмас балки биологик хусусияти нуқтаи назаридан эталон сифатида олинган. Маълумки от ошқазони йўқ сут эмизувчидир. Шунинг учун бу ҳайвон жуда кўп озиқланади. Айнан шу жихатидан ушбу ибора амалда қўлланилади.

Тажрибага қўйилган қўендек – бу ибора бирорта янгилик ёки бирорта янги иш бошлашдан олдин синаш учун жалб қилинган жуда содда кишиларга нисбатан қўлланилади. Бу ибора замонавий ибора бўлиб яққол тажриба лабораториясида сақланаётган қиён эталон сифатида олинмоқда

As a guine pig – инглиз тилидаги бу ибора деялик ўзбек тилидаги синонимик шериги билан бир хил, фақатгина эталон сифатида олинган воситаси (ҳайвон орқали) чўчка – бу нафақат инглизлар, балки дини мусулмон бўлмаган элатларда тансиқ таом ва кўп парвариш қилинадиган ҳайвон ҳисобланади. Айнан шуниси билан бу икки иборадаги эталон восита ўзига хос характерланмоқда.

2) Табиат ва унинг предметлари ҳолат ва ҳаракат, шахс характерини интенсив маънони ифодалашда:

Ойдан тушган – бу ибора умуман ўзини бегона тутадиган ва атрофдаги нарсаларга ҳудди биринчи бор гувоҳ бўлаётган инсонга нисбатан ифодаланади. Бу иборада *ой* ўзга оламни ёки бутунлай бегона жой маъносини ифодаламоқда.

Some one is (living) on another planet – инглиз тилидаги бу ибора ҳам юқоридаги ибора билан бир хил маънога эга. Фақат инглиз тилида *ой* ўрнига *ўзга сайёра* эталон сифатида қўлланилмоқда.

Боши осмонга (кўкка) етмоқ – бу ибора жуда ҳам хурсанд инсонни тасвирлашга қаратилган. *Осмон* ва *кўк* сўзлари азалдан бир маънони ифодалайди. Бунда кайфияти кўтарилган инсон худди осмонга учаётгандек тасвири *кўк* ва *осмон* тимсолида яққол намоён бўлади.

To be over the moon about something – бу ибора ҳам айнан жуда хурсанд инсонни ифодалашда инглиз тилида қўлланилади. Ўзбек тилидан фарқли ўлароқ *ой* (*moon*) асосий интенсив маънони акс эттирмоқда.

Шунингдек инсоннинг юзининг гўзаллигини таъсирли ифодалашда ўзбек тилида *ой юзли, ой жамол* каби сифатлар берилади. Бунда шарқона маданиятга кўра *ой* гўзаллик тимсолидир, шунинг учун ҳам *ой* нинг гўзаллиги инсоннинг гўзаллиги билан қиёсланади. Инглиз тилида эса *sunny face, sunny smile* каби гўзал юзни ифодаловчи қиёсий тасвирлар мавжуд. Фарбда асосан *қуёш* ижобий маънога эга. *Ой* бироз салбий хусусиятни ифодалашда қўлланилади: *moon-faced* – бу метафора чиройли хусни эмас, балки юмалоқ (думалоқ) шаклга эга юз тузулишини акс этади.

Қовогидан қор ёғмоқ – кайфияти ёмон, бетоб инсонларга нисбатан қўлланади. Бу ибора жуда гўзал ўхшатишга эга ва бошқа тилларда деярли учрамайди. Бу иборанда *қовоқ* яъни *қош қора булутга* (қорнинг қора булутига) қиёсланади. *Об-ҳавонинг “ҳам кайфияти йўқ бўлса”* дарров қора булут қолайди ва *қор* ёки *ёмғир* ёғади. Бунда қофиянинг мос келиши ва *қ* харфига жарангдош жуфт хосил этиш учун ҳам *қор* сўзи қўлланилмоқда.

to feel / to be under the weather – ибора маъно жихатидан деинтенсив

даражаланишни яъни кайфияти ва соғлиғи биров ёмон инсоннинг ҳолатини ифодалашда қўлланади. Бунда асосий маъно ташувчи восита об-ҳаводир, маълумки, ғарбда айниқса Буюк Британия оролларида об-ҳаво тез-тез ўзгариб туради. Бир кунда ҳам ёмғир, ҳам қуёшли иқлимни кўриш мумкин. Айнан шу жиҳатидан бу иборадаги *об-ҳаво*ли бирикма инсон кайфиятини ифодалашда қўлланмоқда.

Қуйида инглиз ва ўзбек тилларидаги интенсиф маъно даражаланиши асосида қурилган мазмун жиҳатидан ўхшаш ва лингвомаданий жиҳатидан эталон воситаси ўхшаш ва қисман фарқ қилувчи иборали мисоллар:

As clear as a day – кундек равшан

As quick as a flash – чақмоқдек тез

As active as sleeve – қўли чаққон

An empty sack cannot stand upright – бўш қоп тик турмайди

Better late than never – ҳуддан кўра кеч яхши (деинтенсиф)

Be big fish in a small pond – катта оҳирдан ем еган

Cool as cucumber – илондек совуққон

Don't make a mountain of a volehill – пашиадан фил ясама

Let sleeping dogs lie – ётган илонни бошини қўзгама

To run like a cat on hot bricks – оёғи қуйган товуқдай питирламоқ

Many a little makes a mickle – тома-тома кўл бўлур (деинтенсиф)

Make a hay while the sun shines – темирни қизигида бос

Strike the iron while it is hot – темирни қизигида бос

Rome was not built in a day – муслмончилик аста секин (деинтенсиф)

There is no smoke without fire – шамол бўлмаса дарахтнинг учи

қимирламайди (деинтенсиф)

They are hand and glove – ўраларидан қил ҳам ўтмайди

To add fuel to the fire – ярага туз сепмоқ; оловга ёғ сепмоқ

To fit like a glove – узукка кўз солгандай

To get out of bed on the wrong side – чап томон билан турмоқ

To take the bull by the horn – тутган жойидан кесмоқ

When pigs fly; when the hell freezes – туянинг думи ерга текканда

A wolf in a sheep`s clothing – одамнинг оласи ичида

Ўзбек ва инглиз тилларини лингвокултурологик жиҳатидан тадқиқ этилганда интенсив маънодаги ибора ва лексик воситалар кўпчиликини ташкил этиб, деинтенсив характерга эга воситалар деярлик кўзга ташланмади. Кўриниб турибдики, кўп тилларда бирор бир воқеликни баҳолашда ифодавий таъсирини кучсиз ифода этишдан кўра экспрессивликни яна ҳам ошириш қулай ва маъновий майдонни кенгайтишига катта таъсир этади.

Хулоса қилиб айтганда инглиз ва ўзбек тилларидаги интенсификация ва деинтенсификация ходисаси лингвомаданий жиҳатидан ўзаро бир бирига ўхшаш ва ўзига хос хусусиятларга эга. Хар икки тилнинг ўз маданий, миллий, диний ҳамда урф-одатини акс эттирувчи воситалари ўзаро таққосланганда ўзининг маълум хусусиятларини ўзида акс этади ва ўзининг нозик жиҳатларини амалда кўрсатади.

УМУМИЙ ХУЛОСА

Тилни система сифатида ўрганиш ҳозирги давр тилшунослигининг етакчи йўналиши бўлиб қолди. Шунинг учун сўнги йилларда тилни тадқиқ этиш ва ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тил элементлари орасидаги мавжуд муносабат пировард натижа тилнинг асосий вазифаси бўлмиш алоқа вазифасига хизмат қилади: одамлар орасидаги фикр алмашиш қуроли вазифасини беками-кўст бажаришга имкон беради. Тил ўзининг бу вазифасини гаплар орқали амалга оширади, хусусан тилдаги деинтенсификация ва интенсификация ҳодисалари ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирда деинтенсификация ва интенсификация ҳодисалари тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бўлсада, инглиз ва ўзбек тилларидаги деинтенсификация/интенсификация ҳодисалари ва уларнинг воситалари ҳамда ўзаро семантик ва структурал хусусиятлари, қиёсланаётган тиллар ўртасидаги интенсив ва деинтенсив воситаларнинг лингвокультурологик хусусиятлари, уларнинг фаркли ва ўхшаш жihatлари хали қиёсий таҳлил этилмаган. Бугунги кунга қадар деинтенсификация ва интенсификация ҳодисалари билан боғлиқ ва бу ҳодисаларни ўрганиш бўйича қатор тадқиқотлар дунёга келмоқда.

Тилшуносликда деинтенсификация ва интенсификация ҳодисалари қиёсий таҳлили устидаги изланишлар олиб борилаётганига кўп бўлмади. Шунинг учун ҳам бу ҳодисаларни ўрганиш жараёнида бир қанча муоммаларга дуч келиш мумкин. Улар қаторига қуйидагилар киради.

1. деинтенсификация ва интенсификация ҳодисаларининг асосий хусусиятлари;

2. деинтенсификация ва интенсификация ҳодисаларининг структурал – семантик жиҳатлари;
3. деинтенсификация ва интенсификация ҳодисаларининг мазмун – муносабат турлар;
4. Турли тилларда деинтенсификация ва интенсификация ҳодисалари воситаларнинг турлари;
5. деинтенсификация ва интенсификация ҳодисаларининг лингвокултурологик хусусиятлари.

Инглиз ва ўзбек тилидаги деинтенсификация ва интенсификация ҳодисалари ва интенсив/деинтенсив воситаларнинг турлари, таснифлашдаги фарқли жиҳатлар, семантик ва структурал, хусусиятларини ўрганишда тадқиқотимизда хулосалар қуйидагилардан иборат:

Деинтенсификация ва интенсификация ҳодисалари ҳақидаги дастлабки хулосамиз унинг асл моҳияти билан боғлиқдир. Деинтенсификация ва интенсификация ҳодисалари – нутқ жараёнида сўзловчининг бирор бир воқеликка, белги-хусуиятга, ҳаракат ва ҳолатга ўзининг индивидуал муносабатини ифодалашда ўз нутқидаги экспрессивлик, эмоционал таъсирчанликни маъновий жиҳатидан кучли ёки кучсиз ифодалашга қаратилади. Бунда маънонинг таъсирчанлигини кучли тасвирлаш интенсификация, кучсиз ифодалаш эса деинтенсификация ҳодисалари билан боғлиқ.

Тадқиқотимиз объекти ҳисобланган деинтенсификация ва интенсификация ҳодисаларининг тилдаги ўрни ва вазифаси билан боғлиқ хулосаларимиз қуйидагича:

- 1) деинтенсификация ҳамда ишкатегориялари ва уларнинг

воситалари тил семантикаси ва структурасида алоҳида ўрин эгаллайди;

- 2) Интенсификация ва деинтенсификация ходисалари нутқда ифодаланаётган фикрнинг умумий маъноси сақланган ҳолда, унинг эмоционал ва экспрессив (ифодавий) даражасини ўсишини (кучайиб), ёки тушишини (кучсизланиб) таъминлайди;
- 3) Умумий олганда белги-хусусият ва миқдор даражаларининг юқорига ўсиши (кучайиши) чегараланмаган, лекин белги ва миқдор даражаларининг пастга тушиши (кучсизланиши) чегараланган бўлади;
- 4) Интенсификация ва деинтенсификация категориялари асосан сифат ва равиш сўз туркумлари воситасида фикрдаги белги-хусусият ва миқдор-даража салмоғининг кучайиш ва кучсизланиш имкониятларини ҳосил этади;
- 5) интенсификация ва деинтенсификация категориялари сўзловчининг берилаётган фикр ва гап мазмунига ўз муносабатини қай даражада эканлигини ифодалайди;
- 6) инглиз ва ўзбек тилларидаги интенсификация ва деинтенсификация ходисаси лингвомаданий жиҳатидан ўзаро бир бирига ўхшаш ва ўзига хос хусусиятларга эга.

Интенсификация ва деинтенсификация ходисаларини тилда ифода этувчи воситаларнинг турлари билан боғлиқ хулосалар:

- 1) интенсификация ва деинтенсификация ходисалари нутқда фонетик воситалар ёрдамида ифода этилиши мумкин;
- 2) интенсификация ва деинтенсификация ходисалари нутқда

морфологик воситалар ёрдамида ифода этилиши мумкин;

3) интенсификация ва деинтенсификация ходисалари нутқда лексик воситалар ёрдамида ифода этилиши мумкин;

4) интенсификация ва деинтенсификация ходисалари нутқда синтактик воситалар ёрдамида ифода этилиши мумкин.

Тадқиқотимиз давомида интенсификация ва деинтенсификация ходисаларининг ўзига хос бўлган янги таърифни яратишга, унинг структурал – семантик, лингво – когнитив, лингвокультурологик жихатларини очиқ беришга ҳаракат қилдик. Ўйлаймизки, бизнинг тенг боғланган қўшма гаплар устида олиб борган изланишларимиз ҳорижий тил ўрганувчиларнинг тил ўзлаштириш жараёнини осонлаштиради ва зарурий манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I Сиёсий адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқи. Халқ сўзи. 2013й 7 декабрь, № 240
2. И.А.Каримовнинг чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 18-75қарори “Махорат мактаби” 2012й 25 декабрь, 24-(293-сон)

II Асосий адабиётлар.

1. Аскольдов С.А. Концепт и слово//Русская словесность, М.Академия,1997 с.-269
2. Атюнов Н.Д Введение//Логический анализ текста.Ментальные действия.-М.: Наука,1993.с.3
3. БабушкинаА.Р. Типы концептов и лексико-фразеологической семантике языке.-Воронеж, 1996.-с. 54-55.
4. Биервисч. (1987), Раинер. “Италиян ва бошқа тилларда интенсификация” (инглиз тилида) (1983 а: 5, 56).
5. ВоркачевС.Г. Концепт счастья в английском языке//Проблемы концептологии.- М.,2002.с.4.
6. Гутзманн, Даниел & Тургей, Катерина – “Expressive intensifiers in German: syntaxsemantics mismatches” – 2012. б:150
7. Станлей С. – On the Stress System of English.// WORD. Volume2. Mexico city. 1946. 2 сон – Б: 171-174
8. Дауда М. Адабий стилистика (Literary stylistics). National Open University of Nigeria. 2013. –Б. 70.
9. Мусаев А. – Ўзбек тили стилистикаси. Жиззах. 2014-2015.
10. Ирода Аблакулова – (мақола) “Инглиз тилида модаллик маъносининг кенгайиши (should феъли мисолида)” – Сўз Санъати Word Art илмий мақолалар тўплами. 2014. 2 сони. – б 70-72

11. Ж.Н.Маратович “Сравнительное изучение семантически эквивалентных пословиц и поговорок в разносистемных.”
12. Карасик В.И. Языковая личность: аспекты лингвистики и лингводидактики-Волгоград, -1999-с.131.
13. Лихачев Д.С. Концептосфера русского языка. М.: Владос, 1995.- с.281.
14. Нестерова Т.Г. Концепт как объект исследований современной лингвистики Оренбургский филиал РГТЭУ, г. Оренбург
15. Увокслер, Качелле – “*super, uber, so and totally: Over-the-top intensification to mark subjectivity in colloquial discourse*” – 2012 ; 6:17-31
16. Ш.Сафаров “Когнитив тилшунослик” Жиззах – 2006.
17. Раинер – “Италиян ва бошқа тилларда интенсификация” (инглиз тилида) 1983 а: 10.
18. Тон ван дер Воуден, Миртенз институти; Ад Фулен, Радбауд университети
19. Философия: Энциклопедический словарь.- М.Гардарики. Под редакцией А.А.Ивина. 2004.
20. А. Зияев - ўзбек, рус, инглиз тилларидаги сифат сўз туркумида интенсификация ва деинтенсификация ходисасининг намоён бўлиши. – (Мақола) ФарДУ илмий хабарлар журнал. УДК:4/414 – 2017 й. –Б. 66
21. Эшниёзова О.Т. – “Ўзбек тилидаги даража категорияси” БМИ. Низомий номидаги Тошкент
22. Ҳоджиева А. – “Тилшунослик терминлари луғати” – Тошкент. Ўқитувчи: 1985. –Б. 103
23. Й. Турсунов, Ж. Муҳторов, Ш. Рахматуллаева – “Хозирги ўзбек адабий тили” – Т. 2008 151-228 бетлар
24. D. Bolinger – “Degree words” - Paris. 1972 – Моутон. 20-30 бетлар.
25. Herbert Clark – “Word association and linguistic theory”. 1970.
26. Foolen Ad., Verena Wotrich, Martine Zwets – “Gruwelijk interessant. Emotieve intensiveerders” – 2012
27. George Lakoff & Mark Johnsen. Metaphors we live by. London. :The

- university of Chicago press-2003.-p.8
28. Jackendoff, Ray. Semantics and Cognition. Cambridge, Mass.: MIT Press. ISBN 0-262- 10027-4, 1976
 29. Oxford Advanced Learner's Dictionary (8 нашр) – *big* – мухум, жиддий (норасмий, отлардан олдин келади) – Оксфорд университет пресс. 2010. б:135
 30. Wolfgang, U. Dressler, Lavinia Merlini, Barbaresi – “Morphopragmatics” – Berlin, New York: M. de Gruyter, 1994. 400-430 бетлар.
 31. Wolter Ciler – “Language Typology and Language Universals ” – 1991 б:45
 32. Rainer – “Morphology and meaning ” – 1990 а: 12-25
 33. “Superlatives as such reek of definiteness.” (Plank 2003: 370 quoted in Van de Velde 2009: 282).
 34. Ton van der Wouden, Meertens Instituut Ad Foolen, Radboud Universiteit – “A most serious and extraordinary problem. Intensification of adjectives in Dutch, German, and English” –1980 б: 8
 35. 2013 йил 11 декабрь Лйувенда ўтказилган Germanic Sandwich конференциясидан

III Қўшимча адабиётлар

1. Абдулла Қаххор – Дахшат (5 жилдлик асарлар). – Т.: Ғофур Ғулом, 1987
2. Абдулла Қаххор – Думли одамлар (5 жилдлик асарлар). – Т.: Ғофур Ғулом, 1987
3. Абдулла Қаххор – Асарлар тўплами(5 жилдлик асарлар). – Т.: Ғофур Ғулом, 1987
4. Абдулла Қаххор – Хотинлар (5 жилдлик асарлар). – Т.: Ғофур Ғулом, 1987
5. Абдулла Қодирий – Жинлар базми. – Т.: Чўлпон, 2004
6. Абдулла Қодирий – Мехробдан чаён. – Т.: Ғофур Ғулом, 1994

7. Абдулла Қодирий – Ўткан кунлар. – Т.: Фан, 1995
8. Абдурауф Фитрат – Хинд сайёхининг қиссаси. – Т.: Шарқ юлдузи, 1991
9. Анвар Обиджон – Олтин юракли автобола. – Т.: Ёш гвардия, 1988
10. Ахмад аъзам – Соясини йўқотган одам. – Т.: Шарқ, 2004
11. Ахмад Аъзам – Хали хаёт бор. – Т.: Ёшлик (журнал), 1 сон, 2011
12. Ахмад Лутфий Қозончи – Ўгай она (роман). – www.ziyouz.com, 2007
13. Иқбол Мирзо – Айёр киз. (Сизни куйлайман шеърий тўплам). – Т.: Шарқ, 2007
14. Исроил Субхоний – Бухоронинг етти юлдузи (шеърий тўплам). – С.: Ғафур Ғулом, 1991
15. Назар Эшонкул – Маймун етаклаган одам. (Хикоялар тўплами). – www.ziyouz.com, 2008
16. Одил Ёқубов – Қайдасан Морико. – Т.: Шарқ, 2002
17. Паул Нейшн – Jane's pride. (4000 Essential English Words). – Compass Publishing, 2009
18. Фозил Тиловат – Қора кузғун. – Т.: Ёшлик (журнал), 1 сон, 2011
19. Хамид Ғулом – Асарлар тўплами (4 жилдлик асарлар). – Т.: Ғафур Ғулом, 1979
20. Чингиз Айтматов – Оқ кема. Танланган асарлар. – Т.: Шарқ, 2009
21. Чингиз Айтматов – Оҳир замон нишонлари (роман). – Т.: Шарқ, 2009
22. Чингиз Айтматов – Сарвиқомат дилбарим. – Т.: Шарқ, 2009
23. Чингиз Айтматов – Қиёмат. – Т.: Ғафур Ғулом, 1984
24. Эркин Аъзам – Шоирнинг тўйи. – Т.: Шарқ, 1994
25. Эрнест Хемингвей – Чол ва денгиз. – Т.: Ғафур Ғулом, 1978
26. Charles Dickens – David Copperfield. – UK.: David Pearce, 2005
27. Elementary language practice. Michael Vince & Kevin McNicholas. –

- Malaysia.: MACMILLAN press, 2008
28. First certificate language practice. Michael Vince & Paul Emmerson. – Malaysia.: MACMILLAN press, 2007
29. J. K. Rowling – Harry Potter (6 book) – UK.: J.K. Rowling, 1999
30. Jules Verne – round the World in Eighty days. – Malaysia.: MACMILLAN press, 2009
31. Laura Reis Mayer – Pygmalion. – USA (North Carolina).: Toronto, 2009
32. Mark Twain - The Adventures of Tom Sawyer. – UK.: David Pearce, 2006
33. Round up 6 – grammar book. – USA.: Virginia Evans, 2010
34. Suzanne Collins – Mocking Jay. – USA(New York).: Scholastic Press, 2010
35. Tim Vicary – The Elephant Man. – UK.: Oxford press, 2008
36. W. Somerset Maugham – The Razor's Edge. – UK.: London press, 1964

IV интернет маълумотлари

1. <http://en.wiktionary.org/wiki/hochschwanger>.
2. <http://www.scholieren.cov/boek/10616/krijg-nou-tieten>.
3. Internet source – sentence.yourdictionary.com
4. <http://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1002/asi.21382/epd>
5. <http://www.ling.upenn.edu/courses/ling001/semantics.html>
6. www.urbandictionary.com
7. www.google.com/ from wikipedia, the free encyclopedia
8. [www.google.com/wikipedia/double negatives and usage from English Grammar Today](http://www.google.com/wikipedia/double_negatives_and_usage_from_English_Grammar_Today)